MILLIY MAJLIS KUTUBXONASI

УШБУ СОНДА:

3 ЮК

ЭНГ ҚУЛАЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ
У МУКАММАЛ ҚОНУН АСОСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИ

ЎҚУВЧИЛАР АРМОНИ

4 ЖИНОЯТ НИМА? ЖИНОЯТЧИ КИМ?

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 8
(364)
2004 йил
24 феврал
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этиш учун узоқ муддатли кредитлаш ва жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари банк муассасалари томонидан уларга хизмат кўрсатиш учун ташкил этиладиган махсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланадилар.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг қишлоқ хўжалиги экинзорларининг (кўчатзорларининг) кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирилган маҳсулотнинг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек, шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товони олади.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 27-МОДДА.

Шу йил 20 феврал куни Адлия вазирлигида унинг марказий аппарати ва жойлардаги адлия идоралари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда адлия идораларининг фаолияти чуқур таҳлил этилди, шунингдек, амалга оширилган ишларга танқидий баҳо берилди. Мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасида 7 феврал куни бўлиб ўтган йиғилишдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Ҳайъат мажлисида Адлия вазири А.ПОЛВОН-ЗОДА маъруза қилди.

Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорларни ноқонуний текшириш ҳолатлари камайди, уларни ҳокимликларда рўйхатга олиш ишлари соддалаштирилди, шартнома интизоми кучаймоқда. Агар илгари ҳар қадамда шартномалар тузишда қонунбузилишлар аниқланган бўлса, ҳозир фермерларнинг шартномаларга бўлган муносабати ўзгарган. Шартномага зид равишда фермерларни ортиқча етиштирган маҳсулотини тортиб олиш каби қўпол қонунбузарликларнинг олди олиниб, ҳисобкитобларни шартнома асосида олиб бориш амалиёти тобора яхшиланмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётда хусусий секторнинг аҳамиятини тубдан ошириш йўлида аниқ ишлар амалга ошириляпти. Ўтган йилнинг ўзида хусусий мулкни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган Президент Фармонлари, ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2003 йил 24 январда Президентимизнинг хусусий секторни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида унинг аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш, 2003 йил 24 мартда эса қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган махсус фармонлари қабул қилинди. Бу фармонлар асосида хусусийлаштириш ва қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришга оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, тадбиркорларнинг қонунларимизга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу мураккаб жараёнларда шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан ташкил этилган тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили тадбиркорларнинг мурожаатлари сони 2002 йилга нисбатан 2 бараваргa ошди, уларнинг 78 фоизи судларга даъво аризаси киритиш ва бошқа чоралар ёрдамида қаноатлантирилди. Худди шундай ҳуқуқий ёрдам хорижий инвесторларга ҳам кўрсатилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, давлат тадбиркорларга бепул ҳуқуқий ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олди. Ҳозир тадбиркор учун ўзининг ҳуқуқи бузилгани тўғрисида хабар қилишнинг ўзи кифоя, бошқа барча ишларни адлия идоралари амалга оширади. Яъни тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланади, етказилган зарар ундириб берилади, айбдор шахслар эса жазоланади. Дунёдаги ривожланган давлатларнинг тажрибасидан маълумки, хусусий мулкдор учун суд ҳимояси анча катта маблағ ва кўп вақт талаб қилади.

Тадбиркорларнинг адлия идораларига мурожаатининг ошгани фуқаронинг онгида ўзгариш рўй бераётгани, уларнинг Президентимиз сиёсатига, қонунларимизнинг ишлашига ишончи ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Адлия идоралари фаолиятининг асосий йўналиши бозор ислоҳотларини, хусусий мулкни ривожлантиришга йўналтирилган қонунларимиз ижросини таъминлашга қаратилган. Яъни адлия идоралари ходимлари мавжуд муаммоларни бевосита жойларга чиқиб ўрганмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қонунчилик ижроси ўрганилганда, тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ 360 мингга яқин қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, 20 мингдан ортиқ ҳолатда тадбиркорларни рўйхатга олиш муддати ва тартибини бузиш, 18 мингта – лицензия ва бошқа рухсатномалар олиш, банклар томонидан 7,9 минг ҳолатда кредитлаш тартибини бузиш, 45,4 минг ноқонуний маъмурий жавобгарликка ва молиявий жазога тортиш, 9 мингта солиқ қонунчилигини нотўғри қўллаш, 133 мингга яқин шартнома интизомини бузиш ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш натижаси бўйича мавжуд вазият чуқур таҳлил этилган ҳолда вилоят ҳокимларига тегишли тақдимномалар киритилди. Тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилган ҳар бир ҳолат, токи бузилган ҳуқуқлар тикланиб, айбдор шахслар жавобгарликка тортилгунга қадар, адлия идоралари назоратида туради. Натижада қонунбузарликка йўл қўйган 3929 нафар мансабдор шахс, шу жумладан, 440 нафар ҳокимлик, 651 нафар тижорат банклари, 424 нафар солиқ идоралари, 795 нафар назорат қилувчи идоралар, 1598 нафар бошқа идоралар ходимлари интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 590 нафар айбдор мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимдан озод этилди. *(Ўтган йил бўйича эса 290 нафар).*

Бундан ташқари, 2003 йил давомида адлия идораларининг ташаббуси билан тадбиркорлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг манфаатини кўзлаб судларга 65,6 миллиард сўм ва 939 минг АҚШ доллари миқдорида 13632 та даъво аризаси киритилди. Бу эса 2002 йилга қараганда 51,7 миллиард сўмлик 5546 та даъво ариза кўп демакдир. Биргина хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга 3,5 миллиард сўм ва 939 минг АҚШ долларига тенг 235 та даъво ариза киритилди. Шундан бевосита 936 нафар мансабдор шахснинг чўнтагидан 392,5 миллион сўмлик етказилган моддий ва маънавий зарарлар ундирилди.

Адлия вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги шартнома муносабатларини тартибга солиш, ушбу соҳада шартнома интизомини мустаҳкамлаш, шартномалар бажарилиши устидан назоратни кучайтиришга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, шартномалар тузиш ва уларни ижросини таъминлаш борасида "Нефт маҳсулотлари", "Қишлоқхўжаликкимё", "Агромашсервис", "Пахтасаноат", "Донмаҳсулот" ва "Ўзбек ипаги" корхоналари фаолиятида кўплаб қамчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун ушбу ташкилот раҳбарлари номига тақдимномалар киритилди ҳамда бу масалага ўз муносабатларини тубдан ўзгартириш ва айбдор шахсларга қаттиқ чоралар кўриш талаб этилди. Натижада тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг 579 нафар ходими интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 112 нафари вазифасидан озод этилди. Хусусан, "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик компанияси ходимларининг 139 нафари, "Нефт маҳсулотлари" корхонаси ходимларининг 42 нафари шартнома интизомини бузгани учун жавобгарликка тортилди, шундан 27 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бундан ташқари, судларга "Қишлоқхўжаликкимё" корхоналаридан ундириш учун 4,6 миллиард сўмлик 227 та, "Нефт маҳсулотлари" корхоналаридан 223,3 миллион сўмлик 102 та даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, ўтган йил давомида 266 мингта хўжалик ва 178 мингга яқин ички хўжалик шартномалари ўрганиб чиқилиб, адлия идораларининг талабига кўра 47 мингдан ортиқ шартномалар қайта туздирилди. Шартнома мажбуриятларини бажармаётган тарафларга адлия идораларининг ёрдами билан умумий миқдори 2,3 миллиард сўмлик 1444 та талабнома киритилди.

Яна шуни айтиш керакки, Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил январ ойида 14 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар орасида ижтимоий сўров ўтказилди. Бундай тадбир 2003 йил январ ойида ҳам ўтказилиб, унда тадбиркорларнинг ўзлари бир қатор муаммолар ва жиддий тўсиқлар мавжудлигини баён этишган эди. Шулар асосида ўтган йил давомида бу муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Ўтказилган сўров якунлари асосида ҳар бир туман ва тегишли идоралар миқёсида электрон маълумотлар базаси яратилмоқда. Бу йилги сўров натижалари ҳам барча туманларда ҳокимлар, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида атрофлича муҳокама этилади, мавжуд вазиятни тўғрилаш бўйича тегишли чоралар кўрилади. Қайд этиб ўтилган маълумотлар базасига Адлия вазирлигининг охирги 4 йил давомида ўтказган текшириш материаллари ва 2001, 2002 йилларда тадбиркорлар орасида ўтказилган сўров натижалари ҳам жамланган. Бу эса ҳар бир туманда қонунчиликка риоя этилиш ҳолати ва ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда чуқур таҳлил қилиш, энг асосийси, йилдан-йилга мунтазам равишда такрорланиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб келаётган амалдорларни аниқлаш ва уларга нисбатан жиддий ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 27 августдаги 370-сонли қарорига асосан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Адлия вазирлигида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Ҳозирда бошқармада малакали ходимлар фаолият юритишмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда адлия идораларининг фаолиятида ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Адлия вазирлигига келиб тушаётган ариза ва шикоятлар хусусиятларига қараб таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти, яъни 72,7 фоизи тадбиркорлик ва шартномавий муносабатларга тегишли экани маълум бўлди. Хусусан, ер ажратиш 14,6 фоиз (ўтган йилда 27,3 фоиз бўлган), рўйхатга олиш ва лицензиялашга оид 1,5 фоиз (2002 йил давомида 8 фоиз бўлган), солиқ қонунчилигини қўллаш муаммоларига оид 9,5 фоиз (ўтган йилда эса 9 фоиз), ноқонуний текшириш 2,6 фоиз (ўтган йилда 5 фоиз), кредит ажратиш 5,9 фоиз (ўтган йилда 12,8 фоиз), шартномавий муносабатларга доир 33,7 фоиз (ўтган йилда эса 25 фоиз бўлган) аризалар келиб тушган. Лекин жойларда ариза ва шикоятларни ўрганиш жараёнида айрим адлия идоралари ходимлари томонидан сансоларликка солиш ҳолатлари учрамоқда. Баъзи аризалардаги кўрсатилган важлар тўлиқ ўрганилмасдан ёки ўрганишга ҳаракат ҳам қилмасдан фақат ҳуқуқий тушунтириш бериш билан чекланилгани ёки бошқа идораларга ўрганиш учун юборилгани тадбиркорларда адлия идораларига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади. Яъни айрим вилоят адлия бошқармалари аризаларни охирига етказиб, тўлиқ ҳал қилиш ўрнига аризада кўрсатилган масала юзасидан судга ёки бошқа идораларга мурожаат этиш мумкин ёки қонун талаби аризачига тушинтирилди қабилида иш юритмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлардаги аҳвол ўрганиб чиқилганда, барча идораларда биринчи навбатда тадбиркорларнинг мурожаатларига бўлаётган муносабатга баҳо берилаётгани бежиз эмас. **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларини бузишга нисбатан муросасиз курашиш, айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш доимий эътиборда туриши лозим. Бундай қўпол қонунбузарлик ҳаракатларининг адлия идоралари ходимлари томонидан содир этилишига асло чидаб бўлмайди. Зеро, узоқ муддат давомида тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқмаслик умуман кечирилмайдиган ҳолдир.

2003 йил давомида тадбиркорлардан, хорижий инвесторлар ва фуқаролардан келиб тушган 59 та, шу жумладан, Тошкент шаҳрида 15 та, Қашқадарёда 6 та, Андижон ва Сурхондарёда 5 та ва Навоий вилоятида 4 та ариза шу кунгача ўз ечимини топмаган. Масалан, Навоий вилоятидаги "Ғозғон мрамор" қўшма корхонасининг туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан қўлланилган 12,6 миллион сўмлик молиявий жаримани бекор қилдириш масаласи бўйича 2003 йил 18 сентябрда берган аризаси шу кунга қадар кўриб чиқилмаган. Тўғри, айрим аризаларнинг тўлиқ ечимини топиш учун вақт талаб этилади, лекин тадбиркорларнинг мурожаатига бепарволик билан қараш оқибатида уларнинг ҳал қилиниши орқага сурилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Масалан, Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига 2003 йил 30 июл куни фуқаро Турапов ва бошқа фуқароларнинг ортиқча етиштирган маҳсулоти ҳамда иш ҳақларини ололмаётгани тўғрисидаги аризаси кўриб чиқиш учун юборилган бўлиб, ушбу топшириққа адлия бошқармаси аризадаги важларни тўлиқ ўрганмасдан, тегишли чоралар кўрмасдан 8 сентябр куни жавоб берган. Адлия вазирлиги томонидан 9 сентябр куни қўшимча топшириқ юборилгач, вилоят адлия бошқармаси аризадаги барча важларни тўлиқ ўрганиб чиқмаган ва топшириққа мужмал жавоб хати тайёрлаган. Вазирлик томонидан ушбу ариза назоратдан олинмасдан 26 сентябр куни яна қўшимча топшириқ юборгандан кейингина адлия бошқармаси аризадаги важларни тўлиқ ўрганиб, ортиқча етиштирилган 4050 килограмм ғаллани оила пудратчиларга олиб берган. Шунингдек, 8 нафар оила пудратчисининг 171816 сўм иш ҳақини ундириб бериш юзасидан Қумқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво аризаси киритган. Ушбу даъво аризаси суд томонидан 2003 йил 7 ноябр куни кўриб чиқилиб, даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан адлия идоралари томонидан тегишли идораларга киритилган тақдимномалар ижроси таҳлил қилинганда қатъиятсизлик ҳолатларига ҳам йўл қўйилаётганлиги кузатилади. Хусусан, Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан киритилган жами 102 тақдимномалар бўйича 79 нафар шахслар интизомий жавобгарликка тортилиб, атиги 3 нафар айбдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, аксарият ҳолларда "огоҳлантириш" ва "ҳайфсан" каби интизомий жавобгарликка тортиш чоралари билан чегараланилган.

Бундай ҳолатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари адлия бошқармалари фаолиятида ҳам учрайди. Демак, қонунни бузган мансабдор шахс жазосиз қолиб кетмоқда, тадбиркорнинг эса бузилган ҳуқуқи тикланмаяпти. Ушбу қатъиятсизлик билан айбдор мансабдор шахсларга қонунни такроран бузишига шароит яратиб берилмоқда.

Бунинг асосий сабаби шундаки, тақдимномалар хўжакўрсинга киритилган. Тақдимнома киритилган идора билан муносабатни бузмаслик учун "Адлия вазирлигидан талаб қилишди, шунинг учун тақдимнома киритдим," деган важ билан тақдимнома ижроси таъминланмасдан қолиб кетган. Охир-оқибатда айбдор жавобгар шахслар ҳам қонуний жазога тортилмасдан қолгаади, қонунбузарликлар эса яна давом этаверади.

Мана, яна бир мисол: Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан "Бобур текстил" шўъба корхонаси раҳбари А.Абаевнинг 2003 йил 18 декабрдаги аризасини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича киритилган тақдимнома асосида вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан корхонага 14,7 миллион сўмлик молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилинган ва корхонанинг ҳисоб рақамига қўйилган "инкасса" тўлов топшириқномаси чақириб олинган. Бироқ ушбу ноқонуний қарор қабул қилинишига йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи назоратдан четда қолган.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, вилоятлардаги ҳақиқий аҳвол баъзан адлия бошқармаларидан кўра марказий аппарат ходимларига яхши маълум. Чунки улар жойларга чиқиб, вилоят адлия бошқармаларининг аниқлаган камчиликларидан икки баравар кўп камчиликларни аниқлашган ва тегишли тақдимномалар киритишган. Бундан айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан ўрганишлар ўта сифатсиз ўтказилмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Масалан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси ходимлари 2003 йил давомида ўтказилган ўрганишларда тадбиркорликка оид 49 та ва шартномавий муносабатларга оид 1141 та – жами 1190 та қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаган. Вазирлик ходимлари эса вилоятда 20 кун муддат давомида ўтказган ўрганишлар жараёнида 15620 та қонунбузарлик ҳолатларини аниқлашган.

Шу ўринда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш ўта муҳим вазифа эканлигига қарамай, уларнинг ижроси айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан етарли назоратга олинмагани, кўрсатилган қонунбузарликларни бартараф этиш ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш борасида сусткашликларга йўл қўйилаётганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Хусусан, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари 2003 йилда ўтказилган ўрганишлар юзасидан Адлия вазирлиги томонидан киритилган тақдимномалар ижроси тўлиқ таъминланмагани ва сифатсиз маълумотлар тақдим этиб келаётганликлари сабабли бугунги кунга қадар назоратдан олинмаган.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва адлия бошқармаси вазирликнинг киритган тақдимномаси бўйича фақат айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш билан чекланилган. Ваҳоланки, ўрганиш натижасида назорат қилувчи идоралар томонидан 555 та ҳолатда тадбиркорлар ноқонуний равишда маъмурий ва 103 та ҳолатда молиявий жавобгарликка тортилгани аниқланган эди. Афсуски, ушбу қарорларнинг бирортасини бекор қилиш ёки ноқонуний ундирилган жарималарни қайтариб бериш чоралари кўрилмаган. Қолаверса, тақдимномада кўрсатилган қонунбузарликлар юзасидан судларга даъво аризалари умуман киритилмаган.

2003 йилда Сирдарё вилоятида ўтказилган ўрганишларда 3648 та ҳолатда шартнома интизоми бузилиши аниқланган бўлса-да, вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан судларга бирорта ҳам даъво аризаси киритилмаган.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган ўрганиш бўйича 2003 йил октябр ойида киритилган тақдимномаларнинг ижроси юзасидан ҳозиргача қадар ахборот берилмаган.

Бундай муносабат билан асло келишиб бўлмайди. Ахир, тақдимномалар вазиятга таъсир қилиш, қонунларнинг ишлаб кетишини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Биз шу йўл билан амалдорларнинг муносабатини, уларнинг ҳуқуқий онгини оширамиз, деб умид қиляпмиз. Шунинг учун бу масалада сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир қонунбузилиш бўйича назорат карточкаси юритиб, токи тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланмагунча, айбдор шахслар жавобгарликка тортилмагунча ҳамда қонунбузарлик қайта такрорланмаслигига ишонч ҳосил қилинмагунича назоратдан олинмаслиги зарур. Ана шундагина вазиятга таъсир ўтказиш, ҳуқуқий негилизмни бартараф этиш мумкин.

Ўтган йил давомида жойларда йўл қўйилган 360 мингдан ортиқ қонунбузарликлар аниқланди. Ахир, ҳар қандай қонунлар ҳам автоматик равишда ўз-ўзидан ишлай кетмайди. Шунинг учун бу масалага алоҳида эътибор қаратиш керак.

Аввалги ҳайъат қарорларида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга даъво аризалари киритиш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш лозимлиги бир неча марта таъкидланган эди. Жойлардаги аксарият адлия бошқармалари бу ўта масъулиятли вазифага жиддий ёндашишган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилояти адлия бошқармалари томонидан тадбиркорларга етказилган катта миқдордаги зарарларни ўз вақтида ундириб беришга эришилган. Лекин бу борада ҳамма вилоятларда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Айрим вилоят адлия бошқармалари ўта муҳим соҳалар ҳисобланган ҳокимлик, назорат қилувчи, тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан содир этилаётган қонунбузарликларни бартараф этиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни суд орқали ундиришда мурасасозликка йўл қўймоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида ўтказилган ўрганишлар натижасида ҳокимлик идораларида 955 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган бўлса-да, бошқарма томонидан ҳокимлик идораларини жавобгар қилиб атиги 1 та даъво ариза, Андижон вилоятида 1464 та қонунбузарликлар юзасидан атиги 3 та даъво аризаси киритилган.

Ўтказилган ўрганишларда солиқ идоралари томонидан Хоразм вилоятида 3817 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган ҳамда солиққа оид қонунбузарлик тўғрисида бошқарманинг ўзига 9 та мурожаатлар келиб тушганига қарамай, йил давомида бошқарма томонидан солиқ идораларига нисбатан бирорта ҳам даъво аризаси киритилмаган. Шунингдек, бу соҳада Навоий вилоятида 525 та қонунбузарликлар аниқланган ва 16 та ариза келиб тушган бўлса-да, вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам солиқ идораларига нисбатан умуман даъво аризалари киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Тошкент ва Сурхондарё вилоятида ҳам худди шундай сусткашликка йўл қўйилган. Бухоро вилоятида жами 6110 та фермер хўжаликлари фаолият юритаётган ҳамда тузилган шартномалар юзасидан 2639 та ҳолатда мажбуриятлар бажарилмаслиги аниқланган бўлса-да, вилоят адлия бошқармаси улардан атиги 48 тасининг манфаатларини ҳимоя этиб судларга даъво аризалари киритган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Навоий ва Фарғона вилоят адлия бошқармалари томонидан нефт маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмагани юзасидан фермерларнинг манфаатини кўзлаб бironта ҳам даъво аризаси киритилмаган.Наманган ва Навоий вилояти адлия бошқармалари томонидан минерал ўғитлар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномалар бўйича бironта даъво аризалари киритилмагани ҳам аҳволнинг қандайлигидан далолат беради. Тошкент ва Фарғона вилояти адлия бошқармалари томонидан фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, пахта хом ашёси етказиб бериш, Бухоро ва Наманган вилоят адлия бошқармалари томонидан дон етказиш, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан эса мева-сабзовот етказиб бериш бўйича шартномалар юзасидан даъво аризаси киритиш масаласида етарли чоралар кўрилмаган.

Айрим вилоятларда тадбиркор манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида судларга киритилаётган даъво аризалари бўйича моддий ва маънавий зарарларни ундириш аҳволи қониқарли даражада эмас. Масалан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 499,0 миллион сўмлик 806 та даъво аризалари қаноатлантирилган. Бироқ бевосита мансабдор шахсларнинг чўнтагидан моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича бironта ҳам чора кўрилмаган. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳокимлик, солиқ ҳамда бошқа назорат қилувчи идораларнинг шахсан мансабдор шахслари чўнтагидан моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан умуман даъво аризалари киритилмаган. Бундай ҳолатларга Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳам йўл қўйган.

Ўтган ҳайъат қарорида судларга ҳар бир даъво асослантирилган ҳолда киритилиши, ҳар бир иш назоратга олиниши лозимлиги таъкидланган эди. Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим вилоят адлия бошқармалари томонидан киритилган даъво аризалари судлар томонидан рад этилаётганлиги, бу эса биринчи навбатда адлия идораларининг ўз даъволарига нисбатан бефарқ қараётгани оқибатида содир бўляпти. Хусусан, Наманган вилояти адлия бошқармасининг 42 та, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг 22 та, Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 18 та, Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг 14 та даъво аризалари судлар томонидан рад этилган.

Бу ерда икки хил ҳолат мавжуд: айрим ҳолларда судлар томонидан даъво аризалари рад қилиняпти ёки уни кўриш муддатлари бузиляпти. Масалан, тадбиркор Р.Мамадалиевнинг манфаатларини кўзлаб 2003 йил 7 октябрда Андижон вилояти адлия бошқармасининг Хўжаобод туманлараро судига киритган даъво аризаси юзасидан суд 2004 йил 22 январдаги ажрими билан келишув битимини қарийиб 3,5 ой ўтгандан кейин тасдиқлаб берган.

(Давоми иккинчи бетда)

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ – ТАРАҚҚИЕТ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шунингдек, "Санобар" хусусий савдо дўкони бошлиғи С.Ўразбоеванинг манфаатларини кўзлаб, Қўрғонтепа туманлараро судига киритилган даъво аризаси биринчи инстанция судида рад этилган ва вилоят адлия бошқармасидан 4,3 миллион сўм давлат божи ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ушбу қарор ноқонунийлиги сабабли ҳозирда вилоят адлия бошқармаси томонидан уни бекор қилиш чоралари кўриляпти. Лекин кўпчилик ҳолатларда адлия бошқармаларининг пала-партиш ишлаши ҳамда етарли асослантирилмаган даъво аризалари киритиши оқибатида ҳам уларни рад этиш ҳолатлари мавжуд. Хусусан, Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг "Дониёрова Фароғат-Г" фермер хўжалигининг манфаатларини кўзлаб, Н.Номозовга нисбатан ер майдонини қайтариш ҳақидаги даъво аризаси 2003 йил 17 сентябрда фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судига келиб тушган ва суднинг 29 сентябрдаги ажрими билан даъво ариза янгидан расмийлаштириш учун қайтарилган. Адлия бошқармаси томонидан эса орадан 1 ой 13 кун ўтгандан сўнг даъво аризаси қайта расмийлаштирилиб, судга юборилган. Бу билан адлия идораларининг ўзи тадбиркорга ёрдам берамиз деб, уларни ойлаб овора қилмаяптими?

Бу тарздаги сохтакорликка чек қўйиш лозим. Бир ишни бошладикми, охиригача етказайлик. Даъво аризаси рад қилинса, у якунига етгунча курашиш керак. Ҳар бир адлия бошқармаси киритган даъволарини етарли даражада назорат қилиши зарур. Ҳар бир рад қилинган даъво аризалари бўйича хулосалар тузилиб, Адлия вазирлигига маълумот бериш йўлга қўйилиши шарт.

Вазирликка келиб тушаётган ариза, шикоят ҳамда ўрганишлар натижаси таҳлили шуни кўрсатадики, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига ва хорижий сармояларнинг мамлакатимизга кириб келишига тўсиқ бўлаётган муаммолар асосан қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳокимликлар томонидан тадбиркорларнинг розилигисиз маблағ жалб этиш ҳолатлари ҳалигача давом этмоқда. Бундай ҳуқуқбузарликлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси (251 та), Жиззах (687 та), Наманган (385 та) ва Хоразм (259 та) вилоятларида кўпроқ содир этилган. Шунингдек, ушбу вилоятларда куни кеча ўтказилган сўров якунлари таҳлили тадбиркорларнинг аксариятига айнан мана шу масала жиддий тўсиқ бўлаётганини кўрсатмоқда. Лекин вилоят адлия бошқармалари томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга қараганда, бундай ҳолатлар уларда умуман мавжуд эмас экан. Бундай муросасозликни қандай изоҳлаш мумкин?

Тадбиркорларнинг маблағини олиб қўйиш энг ашаддий қонунбузарлик бўлгани сабабли айбдор ҳокимлик ходимлари сўзсиз жавобгарликка тортилиши керак. Бу борада муросасозлик бўлиши мумкин эмас. Зеро, хусусий мулк дахлсиз ва муқаддас эканлигини, унга тажовуз қилиш жиноят ҳисобланишини англаб етмасдан ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг иложи йўқ. Бундай ашаддий қонунбузилишга қарши муросасиз курашсакгина, тадбиркор ишонч ҳосил қиладики, унинг топган даромадини биров тортиб олмайди. Бу адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Қонунларни оёқости қилаётган, ўзганинг мулкига кўз олайтирган мансабдор шахслар жазоланиши лозим. Бу вазифа билан биз ўзимиздан- ўзимиз шуғулланишимиз ўйқ, бу Давлат раҳбарининг талаби.

Шу ўринда жорий йилда ўтказилган сўров натижаларига эътибор қаратсак, сўралганларнинг 3924 нафари, яъни 27,8 фоизи ўзларининг розилигисиз маблағларни турли фондлар тузиш, тадбирлар ўтказиш, газета ва журналларга обуна бўлиш учун олиб қўйилганини билдиришган. Аниқланган қонунбузилишлар бўйича шундай чора кўришимиз керакки, ҳеч ким иккинчи марта бундай ҳаракатга қўл уришни хаёлига ҳам келтирмасин. Ана шундагина бундай қонунбузилишлар қайта рўй бермайди.

2003 йил давомида жойлардаги ўрганишлар шуни кўрсатяптики, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишда нисбатан қонунбузарликлар камайган бўлса-да, ҳалигача тадбиркорлар рўйхатдан ўтгандан кейин рухсатлар олиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келишмоқда. Айниқса, ер ажратиш, кредит, лицензия, архитектура ва бошқа идоралардан рухсат олиш, газ, электр энергия ва сув тармоқларига уланишда тадбиркорлар кўп вақт ҳамда маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда.

Рўйхатга олингандан кейин тадбиркорларнинг ўз фаолиятини бошлаш жараёнини ўрганишда мамлакат миқёсида 14891 та ер ажратишда, 7278 та коммуникация тизимларига уланиш ва 10772 та турли рухсатномалар бериш жараёнида жами 32941 та қонунбузилиш содир этилганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда 357-сонли қарори қабул қилингандан кейин рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорларга рухсатлар бериш жараёни тубдан соддалаштирилди. Рўйхатдан ўтгандан кейинги жараёндаги қонунбузилишларни вилоят даражасида ҳал қилиш ва уларни бартараф этиш имконияти мавжуд. Ҳукумат қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари ишларини доимий назоратга қилиб бориш адлия идораларига юклатилган. Ушбу масъулиятли вазифа адлия бошқармалари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Ашаддий қонунбузилишлардан яна бири – бу тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишлар масаласидир. Албатта, ноқонуний текширишларнинг олдини олишга қаратилган кескин чоралардан кейин бу борада аҳвол жиддий ўзгарди. Лекин жойлардаги ўрганишлар ноқонуний текширишлар ҳалигача мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай ноқонуний текширишлар асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий ва Қашқадарё вилоятида кўпроқ содир этилган.

Тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширган мансабдор шахс муқаррар жавобгарликка тортилиши шарт. Биринчи навбатда ноқонуний текшириш ўтказган шахс, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, давлат хизматчиси деган номга доғ туширганлиги учун ишдан кетиши лозим. Ўтган ҳайъат йиғилишида бу масалада аниқ топшириқ берилган эди. Бу топшириқ доимий равишда Адлия вазирлигининг назоратида туради.

Лекин ўрганишлар жараёни шуни кўрсатмоқдаки, жойларда ҳанузгача келишувчанликка йўл қўйиб келинмоқда. Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганишларда Жиззах вилоятида 55 та, Навоий вилоятида 32 та ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланган бўлса, Навоий вилоятида ушбу қонунбузарлик бўйича бирорта ҳам шахс вазифасидан озод этилмаган. Жиззах вилоятида атиги 3 нафар мансабдор шахс вазифасидан озод қилинган, холос. Аксарият ҳолларда "ҳайфсан" ёки "жарима" жазо чоралари билан чекланиб қолинган. Масалан, Навоий тумани ДСЭНМ томонидан 2002-2003 йилларда 4 та ноқонуний текшириш аниқланган бўлса, бўлим бошлиғи Р.Ражабова фақат "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланиш билан чекланилган.

Шу ўринда сўровда тадбиркорларнинг ноқонуний текширишлар тўғрисида билдирган фикрларига эътибор қаратсак, сўровда иштирок этган тадбиркорлар 6281 та ҳолатда (44 фоиз) текширувчилар текшириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тақдим этмаганини маълум қилишган. Булар асосан солиқ идораси ходимлари томонидан 2459 та ҳолатда; ДСЭНМ идораси ходимлари томонидан 1198 та ҳолатда; ёнғинга қарши курашиш идораси ходимлари томонидан 938 та ҳолатда; ҳокимият идораси ходимлари томонидан 1014 та ҳолатда; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари томонидан 1336 та ҳолатда содир этилган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорлар фаолиятлари назорат қилувчи идоралар томонидан бир йилда 5140 ҳолатда 2 мартадан кўп, 2257 ҳолатда 3-5 мартадан, 881 ҳолатда 6-10 мартадан, 548 ҳолатда 10 дан кўп маротаба текширилганини билдиришган.

Тадбиркорлар 2196 ҳолатда 1 марта, 1410 ҳолатда 2 марта, 683 ҳолатда 3-5 марта, 481 ҳолатда 6-10 марта, 245 ҳолатда 10 мартадан кўп ҳолларда назорат қилувчи идораларнинг масъул ходимларига **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдириш учун тақдим этишганда, улар текширишни ўтказмай кетиб қолганини таъкидлашган.

Лекин сўровда иштирок этганлардан 2425 нафардан (17 фоизи) **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдиришдан бош тортиб текшириш ўтказишганини билдиришган. Бу ҳолат текширишлар жараёнида ҳам аниқланяпти. Масалан, Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан Темирйўл ва Сиёб туманларидаги назорат қилувчи идоралар томонидан **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдирилишнинг аҳволи ўрганиб чиқилганда, вилоят молия бошқармаси, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳудудий бўлими, вилоят назорат тафтиш бошқармаси ходимлари "Қурилиш материаллари комбинати" ва "Жумақумқаръери", "Сиёб деҳқон бозори" очиқ акциядорлик жамиятларида **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ларини тўлдиришмагани аниқланган. Адлия бошқармаси томонидан қонунбузарликларга йўл қўйган айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тақдимнома киритилган. Бироқ ушбу тақдимномалар бўйича айбдор шахсларга фақатгина "огоҳлантириш" бериш билан чекланилган.

Ўтган ҳайъат йиғилишида ҳам айтилгандек, текширувчи мазкур китобни тўлдирмаса, у сўзсиз жазога тортилиши керак. Киритилган тақдимнома асосида китобни тўлдирмаган текширувчилар ишдан бўшатилиши ва бу ҳақда Адлия вазирлигига ахборот берилишини доимий равишда йўлга қўйиш зарур.

Тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиш уларнинг эркин фаолият юритишига жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, ноқонуний равишда тадбиркор маблағини турли тадбирларга жалб этиш, ер ажратмасдан сарсон қилиш, банкдаги ҳисоб рақамини ёпиб қўйиб фаолият юритишга тўсқинлик қилиш, катта миқдорларда ноқонуний равишда молиявий жарималарга тортиш, ишлаб чиқариш учун материал хом ашёлардан эркин фойдаланишни чегаралаш каби усуллар билан тадбиркорлар фаолиятларини тўхтатиб қўйиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Бу каби қонунбузарликлар ўтказилган сўров якунларида ҳам ўз тасдиғини топди. Жумладан, сўралган тадбиркорларнинг 722 нафари (5,1 фоиз) ҳокимият, 786 нафари (5,6 фоиз) солиқ, 716 нафари (5 фоиз) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, 606 нафари (4,3 фоиз) давлат санитария назорати маркази, 205 нафари (1,4 фоиз) божхона, 382 нафари (2,7 фоиз) ёнғин назорати идоралари ва 347 нафари (2,6 фоиз) банк идоралари томонидан фаолиятларини асоссиз равишда узоқ муддатларга тўхтатиб қўйилганини билдиришган.

Ўтган йил адлия идораларига 550 нафар тадбиркор солиқ қонунчилигининг ноқонуний қўлланилганлиги, маъмурий ва молиявий жарималарга асоссиз равишда тортилгани тўғрисида мурожаат этган. Жойлардаги ўтказилган ўрганишлар натижасида ҳам шу масалага боғлиқ 58430 та қонунбузарликлар аниқланди. Бундай қонунбузарликлар кўпроқ Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида содир этилган. Адлия идоралари томонидан солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг 287 та ноқонуний қабул қилинган қарорлари бекор қилдирилди. Адлия идораларининг талаби билан солиқ ва бошқа назорат қилувчи идораларнинг 1277 нафар айбдор шахслари интизомий жавобгарликка тортилди, улардан 189 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 49 нафари маъмурий ва 1 нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

Назорат қилувчи идораларнинг ходимлари ишига баҳо беришда "тадбиркор фаолиятида қандай бўлмасин камчилик топиши шарт, акс ҳолда бу ходим самарасиз ишламоқда", деган нотўғри амалиёт мавжуд. Бу ҳолат эса текширувчи ходимларни "тирноқ остидан кир қидириш"га ундайди ва тадбиркорларни оғир аҳволга солиб қўяди.

Фикримизча, туман солиқ инспекциясининг раҳбари фаолиятига баҳо берганда туманда қанча солиқ йиғилгани ва қанча тадбиркорни жазолаганлигига қараб эмас, балки туманда қанча тадбиркорлик субъекти кўпайгани, нечта тадбиркорни ҳимоя қилингани ва бунинг натижасида бюжедга солиқлар тушуми қанчалик кўпайганига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Аксарият ҳолларда текширувчилар тадбиркор йўл қўйган камчиликнинг хусусияти ва айбдорлик даражасидан қатъи назар, оғирроқ жазони қўллаш шарт, деб ҳисоблашади. Масалан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари якка тадбиркор А.Мирзахўжаевнинг фаолиятини текшириб, харидорга 8 сўмлик маҳсулот учун товар чекини бермаганликда айблаб, унга 113375 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаган. Шунингдек, Яккасарой тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари "Ал Абдуқаҳҳор" корхонасини текшириб, хазинасида 38 сўм ортиқча пул сақлангани учун 453500 сўм миқдорда молиявий жарима қўллаган. Бундай ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам кам эмас.

Ёки бир ходимнинг нотўғри қарорига асосан, корхоналар ёпилиб, уларнинг фаолиятини узоқ муддатларга тўхтатиш, ўнлаб одамларнинг ишсиз қолиш ҳолатлари учрамоқда. Табиийки, шу даврда давлат бюджетигаям солиқ тушмайди. Ана шундай шароитда тадбиркорлар фаолиятини давом эттириши мумкинми?

Бу ўта муҳим ва долзарб масалалар адлия идораларининг доимий диққат-эътиборида туриши лозим. Ҳозирда мана шулардан келиб чиққан ҳолда маъмурий ва молиявий жарималарни қўллаш масаласини фақат судлар томонидан ҳал қилиниши лозимлиги бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритилди. Корхона фаолиятини тўхтатиб қўйиш, лицензиясини бекор қилиш, мол-мулки ва маблағини мажбурий тартибда олиб қўйиш каби жиддий ҳуқуқий санкцияларни ҳам фақат суд томонидан қўлланиш масаласи кўриб чиқилиши керак.

Кейинги пайтларда тадбиркорлардан келиб тушаётган аризаларнинг аксарияти банк ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари хусусида бўлмоқда. Тўғри, банклар тадбиркорларга кредитлаш масаласида катта ёрдам бермоқда. Албатта, кам фоизли кредитлар тадбиркорларнинг оёққа туриб олишида ўта муҳим аҳамиятга эга. Лекин тадбиркорнинг ўз маблағидан эркин фойдалана олиши, банкдаги ҳисоб рақамидан нақд пул олишида муаммолар ва суғурта тўсиқлар яратиш ҳолатлари мавжуд. Адлия идораларига ўтган йилда ана шу масалаларга оид 350 дан ортиқ ариза ва мурожаатлар келиб тушган. Ўтказилган ўрганишлар натижасида эса банклар томонидан 8683 та ҳолатда тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилиши аниқланди. Банк ходимларининг 691 нафари, шундан 651 нафари интизомий, улардан 76 нафари лавозимидан бўшатилди, 36 нафари маъмурий ва 1 нафари жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бу йил январ ойида ўтказилган сўров якунлари бундан банк ходимларининг тўлиқ хулоса чиқарганини кўрсатади. Яъни жорий йилнинг январ ойида сўровда иштирок этган 14 минг нафар тадбиркорнинг 25,3 фоизи банклардаги ўз маблағларидан эркин фойдалана олмасликларини, 43,6 фоизи банклардан ўзининг ҳисобидан нақд пул олишда муаммолар мавжудлигини билдиришган. Бундан ташқари, тадбиркорларнинг 37,5 фоизи банкда ҳисоб рақами очишда белгиланган муддатлар бузилганини кўрсатишган. Энг ачинарлиси, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 1180 нафари, яъни 8,4 фоизи банклардан нақд пул олишда, 1548 нафари, яъни 11 фоизи банклардан кредит олишда, 1130 нафари, яъни 8 фоизи банкда ҳисоб рақами очишда таъмагирлик ҳолларига дуч келишганини билдиришган.

Бу эса адлия идораларидан тегишли чоралар кўришни талаб қилади. Зеро, банк соҳасидаги қонунларнинг аниқ ва тўғри ишлашини назорат қилиб бориш, улар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқини бузилишини олидини олиш адлия бошқармаларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўтган йили Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган махсус фармони қабул қилинди. Унга асосан кам рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкатларни фермер хўжалигига айлантириш давлат дастури ишлаб чиқилди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Фермер хўжалиги ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан хусусий корхонага тенглаштирилиб, унга ер участкаларини мерос тариқасида қолдириш ҳуқуқи берилди. Фермер хўжалиги истиқболда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект сифатида белгиланди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда "Ер" кодексига, "Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Давлат ер қадастри тўғрисида"ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрда 476-сонли ҳамда 5 ноябрда 486-сонли қарорлари қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари ва фермерликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди. Ушбу қарорларга асосан ширкат ва фермер хўжаликлари бир хил асосда ижара муносабатларига ўтказилади. Агар илгари ширкатларга ер майдонлари доимий фойдаланишга берилган бўлса, уларнинг ерга бўлган муносабати ва жавобгарлигини ошириш мақсадида ер майдонлари уларга ҳам 30 йилдан 50 йилгача муддатга ижарага берилади ва туман ҳокимлиги билан ижара шартномаси тузилади. Шунингдек, агар фермер хўжаликларига ер майдонлари 10 йилдан 50 йилгача муддатга ижарага берилиб, шартномалар ширкатлар билан тузилган бўлса, энди янги ташкил этилаётган фермерларга ҳам ер майдонлари 30 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга танлов асосида ижарага берилади ва туман ҳокимлиги билан ижара шартномаси тузилади. Маълумки, фермер хўжалигини ташкил этишда асосий муаммолар уларга ширкат хўжаликлари томонидан ер участкаларини ажратишда юзага келаётган эди. Энди эса фермерлар ва ширкатларнинг тенг асослар ҳамда шартларда ердан фойдаланишига, фермерларнинг ширкатлардан қарамлигига барҳам берилишига ҳуқуқий асос яратилди. Шунингдек, ширкат ва фермер хўжаликларининг низоми, ер майдонларини ижарага бериш шартномаларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилди, ерни ижарага бериш тартиби ва улардан фойдаланиш аниқ белгилаб берилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ер майдонларини фермерларга ижарага беришни қайта расмийлаштиришда ҳокимликлар томонидан ҳеч қандай қўшимча ҳужжатлар ёки бошқа шартлар талаб қилинмаслиги, шунингдек, тўлов ва йиғимлар ундирилмаслиги лозим. Ширкат ва фермер хўжаликларига ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқини расмийлаштириш туманлардаги ер ресурслари идоралари томонидан бепул давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак. Бунда ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, ер чизмаси ва бошқа зарур ҳужжатлар билан бир қаторда ижарага берилган ер участкасининг балл бонитетини ҳам аниқ ҳисоблаб чиқариш туман ер ресурслари ходимларининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Чунки балл бонитетнинг тўғри белгиланиши фермерлар билан тузиладиган контрактация шартномаларнинг қонуний бўлишига хизмат қилади. Бу жуда муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларни тартибга келтириш мақсадида 1994 йилдаги **"Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг янги **"Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди ва мана шу қарор билан шартнома тузиш, уларни бажариш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди. Унга асосан шартнома тузиш, уларни ижро этишда тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналарга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар, фермер хўжаликлари устувор мавқега эга эканлиги эътироф этилди. Шундан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги томонидан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналари билан тузиладиган барча шартнома шакллари қайта ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, улардан амалда фойдаланиш учун жойларга етказилди ва ҳозирда шу асосда шартномалар тузилмоқда.

Намунавий шартномаларда томонларнинг жавобгарлигини аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, фермер хўжалигининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотларнинг айби билан (минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари етарли миқдорда ва муддатида етказиб берилмайди ёки ширкат хўжаликларига нисбатан фермерларга кам миқдорда ва сифатсизлиги ҳолатлари учун ҳужжатларни тақдим этмаганини ва бунинг натижасида ер участкаларини ишлаб чиқариш учун ер ресурслари ходимларининг ер ажратиляпти. Бу эса ҳосилдорликка таъсир қилиб, уларнинг шартнома мажбуриятларини бажара олмаслигига олиб келади. Масалан, "Қишлоқхўжаликкимё" корхонасининг Урганч тумани филиали билан тумандаги фермер хўжаликлари ўртасида минерал ўғит етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларга асосан 59,3 миллион сўмлик маблағ ўтказиб берилган бўлса-да, уларнинг талаб ва эҳтиёжига қарамасдан филиал томонидан 2003 йил ҳосили учун 41 та фермер хўжаликларига азотли, 369 тасига эса фосфорли ўғитлар умуман етказиб берилмаган. Адлия бошқармаси томонидан эса филиал бухгалтерига "ҳайфсан" бериш билан чегараланилган.

6) Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги энг муҳим масала ерларни ўзининг ҳақиқий эгасига беришдир. Гарчи амалдаги қонунларга асосан ер майдонлари фермерлик учун танлов асосида берилиши лозим бўлса-да, айрим жойларда туман ҳокимликлари ва ширкатлар томонидан танишбилишчиликка йўл қўйиляпти. Айрим жойларда танлов номига ёки қонун талаблари бузилган ҳолда ўтказиляпти. Бунинг оқибатида ноқонуний ташкил этилган "фермерларга" қонунбузарликка йўл қўйиши учун шароит яратиб бериляпти. Лекин фермер бўлишга лойиқ бўлган деҳқонларга ер ажратиш масаласида эса тўсқинликлар мавжуд. Масалан, Қашқадарё вилояти, Нишон туманидаги "Ойдин" ширкат хўжалиги оила пудратчилари А.Солиев ва А.Худоёровлар адлия идораларига ариза билан мурожаат этиб, 2003 йилда фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратишни сўраб туман ҳокимига қилган мурожаатлари асоссиз равишда рад этилганини билдиришган. Ўрганишлар давомида аризада келтирилган важлар ўз тасдиғини топди. Тендер комиссиясининг қарори мавжуд бўлса-да, ҳокимлик томонидан ер майдони ажратишга қарор чиқарилмаган. Натижада вилоят адлия бошқармаси пудратчилар манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига даъво аризаси киритиб, 2003 йил 22 июлда суд томонидан А.Солиевга 14,3 гектар ва А.Худоёровга 10 гектар ер майдони ажратиш ва уларнинг ҳар бирига туман ҳокимидан 30 минг сўмдан маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқариб берилди.

7) Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фермерларни маблағ билан таъминлаш, айниқса, уларга аванс тўловларини беришда ҳам баъзи муаммолар мавжуд. Хусусан, қишлоқ хўжалик корхоналарига аванс тўловлари транш орқали ўз вақтида етиб бормаяпти. Транш маблағларини беришда фермерларнинг эҳтиёжи тўла-тўкис ҳисобга олинмаяпти. Аксарият ҳолларда фермер хўжаликлари учун бошқа йўналишлар бўйича маблағлар зарур бўлганда, транш орқали умуман бошқа мақсадларга аванс йўналтирилади. Бу эса бир томондан, маблағларнинг бўш айланишига олиб келса, иккинчи томондан, айнан керакли вақтда фермер ўзи учун зарур бўлган хизмат ёки моддий-техника ресурсини олиш учун маблағсиз қолиб кетишига олиб келмоқда.

Баъзида эса фермерлар розилигисиз уларга тегишли транш маблағлари банклар томонидан кўрсатилмаган хизматлар ва етказиб берилмаган моддий-техника ресурслари учун хизмат кўрсатувчи ва таъминот корхоналарига ўтказиб юборилган. Ҳозирда ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида аванс беришни кредит орқали амалга ошириш тартиби жорий қилинди. Бугунги кунда 8 та вилоятда фермер хўжаликларига ана шундай тартибда аванслар берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз фермер хўжаликлари ўз фаолиятида кўпгина ҳолларда мансабдор шахсларнинг лоқайдлигига, бюрократик тўсиқлар ва таъмагирлик ҳолатларига дуч келаётганлиги кўрсатиб ўтиб, адлия идораларига бу масалаларни алоҳида назорат остига олиш ва айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўришни топширди. Бундай ҳолатларни хизмат вазифасини бажаришдаги лоқайдлик деб эмас, балки фермерлик ғоясига путур етказиш ва уни обрўсизлантиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар, деб баҳоланишини уқтириб ўтди.

Адлия идоралари барча имкониятларини тайёрлов ташкилотлари ва таъминотчиларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома мажбуриятларини бажарилишини, шартнома интизомига риоя этилишини таъминлашга қаратиши лозим. Бу адлия идораларининг кундалик вазифаси бўлиб қолиши керак.

Юклатилган топшириқдан келиб чиққан ҳолда адлия идораларидан 2004 йил давомида асосий эътиборни айнан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномаларнинг қонунийлиги ва уларни ўз вақтида ижро этилишига қаратиш керак. Вилоят адлия бошқармалари фермер билан ўзаро муносабатга киришадиган 6 та асосий монопол ташкилотлардаги вазиятни чуқур ўрганиб, вазиятни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш лозим.

Қонунбузарликка йўл қўяётган ушбу идоралар ходимлар сўзсиз жазоланиши, лозим бўлса, жиноий жавобгарликка тортилиши зарур. Қонун талаби шуни тақозо этади.

Вилоят адлия бошқармалари ўз ҳудудларидаги фаолият юритмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ишга туширишда бўйича барча чора-тадбирларни кўриши тўғрисида вазирлик томонидан махсус топшириқнома юборилган бўлиб, бу топшириқни амалда бажарилиши бўйича шахсан адлия бошқармаси бошлиғи жавобгардир.

Вилоят адлия бошқармалари ўз ҳудудларидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳар бири тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва уларнинг фаолиятида юзага келаётган ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш бўйича барча чораларни кўриши шарт.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг қарорларига асосан қўшма корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини юритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш айнан туман ва шаҳар ҳокимлари зиммасига юклатилган. Лекин айрим ҳолларда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ривожлантириш, зарур шароитлар яратиш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини ишончли кафолатини таъминлаш эътибордан четда қолмоқда. Натижада айрим чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар бугунги кунда фаолият юритмасдан келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2160 тадан 853 таси, Андижон вилоятида 107 та корхонадан 57 таси, Қашқадарёда 48 та корхонадан 26 таси, Сирдарё вилоятида 37 тадан 15 таси, Фарғона вилоятида 89 тадан 25 таси, Хоразм вилоятида 37 тадан 12 таси, Жиззах вилоятида 23 тасидан 10 таси ҳозирги кунга қадар фаолият юритмасдан келмоқда. Бундай ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам мавжуд. Бу ҳолатнинг юзага келишига асосан давлат мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари тўсиқ бўлмоқда. Масалан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан "Осиё Вест" қўшма корхонасида ўтказилган текшириш якунлари бўйича корхонага нисбатан асоссиз равишда 1,7 миллиард сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган. Бунинг оқибатида қўшма корхона банкрот ҳолатига келиб қолган. Энг ёмони, бу хорижий инвестор иштирокида ташкил этилган 5 та корхонада фаолият юритаётган 350 нафардан ортиқ одам ишсиз қолиши мумкин эди.

Вазирлик томонидан иш ҳолати ўрганилганда, солиқ идоралари корхонанинг бирламчи ҳужжатларини яхши ўрганмасдан, солиқ солиш базасини асоссиз равишда ошириб кўрсатилгани аниқланди. Кейин Адлия вазирлигининг тақдимномасига асосан туман ДСИнинг ушбу ноқонуний қарори бекор қилинди.

Хорижий инвестициялар ҳуқуқларини бузишига олиб келаётган муаммолардан бири ҳанузгача давлат бошқарув идоралари томонидан уларнинг фаолиятларига маъмурий аралашиш ҳолатларининг мавжудлигидир. Мансабдор шахслар томонидан қонунчиликни ўзларича талқин қилиш, таъмагирлик ҳолатлари, асоссиз аралашувлар натижасида хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Бундан ташқари, давлат мулки идоралари хорижий инвесторларнинг мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини қўпол равишда бузиб, хусусийлаштириш тўғрисидаги буйруқларини бир томонлама ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолатлари давом этмоқда. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан хусусийлаштирилган мулкларни, киритилган қўшимча сармояларни ҳисобга олмасдан давлатга қайтариш каби ноқонуний ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Ўтган йил давомида 10 дан ортиқ ана шундай қўпол қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, хорижий инвесторларга қонун билан кафолатланган имтиёзларнинг ҳар хил асоссиз важлар билан қўлланилмасдан келиниши инвестицияларни жалб қилинишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хорижий инвесторлар олдида турган муаммоларни тўлиқроқ аниқлаб олиш мақсадида бу йил хорижий инвесторлар орасида ҳам сўров ўтказилди. 985 нафар хорижий инвесторлар орасида ўтказилган сўров натижалари ҳам уларнинг фаолиятида турли муаммо ва тўсиқлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, сўралганларнинг 583 нафари (59 фоиз) рўйхатдан ўтиш ва рухсатномалар олишда қонунчиликда белгиланган муддатлар бузилгани, 438 та ҳолатда мансабдор шахслар томонидан ортиқча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилгани, 3571 та ҳолатда эса мансабдор шахслар томонидан таъмагирликка дуч келгани ёки уларни рози қилиш учун маблағ сарфлашга мажбур бўлгани, 439 нафар хорижий инвестор турли идораларнинг мансабдор шахсларига доимий равишда пул маблағлари бериб туриш ҳоллари мавжудлигини кўрсатган (177 та рўйхатдан ўтказиш, 188 та фирма номи олишда, 115 та лицензия олишда, 156 та солиқ идоралари, 164 та ДСЭНМ, 265 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан текширганда, 83 та божхона расмийлаштирувида, 95 та банкдан нақд пул олишда). Сўровда иштирок этганларнинг 201 нафари ўзларининг розилигисиз турли тадбирларга маблағлари жалб этилганини айтишди. Бундан ташқари, 967 та ҳолатда текширувчилар **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдиришдан бош тортиб текшириш ўтказган, 782 та ҳолатда уларнинг фаолияти назорат ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан асоссиз равишда узоқ муддатларга тўхтатиб қўйилгани билдиришган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биронта мансабдор шахс асоссиз равишда хорижий корхоналар фаолиятига аралашмаслиги лозим. Бу вазифани амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 370-сонли қарори билан тасдиқланган Адлия вазирлигининг янги Низомида етарли ваколатлар берилган. Шу ваколатлардан самарали фойдаланиш керак.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-

Talab, taklif, mulohaza

ЭНГ ҚУЛАЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

У МУКАММАЛ ҚОНУН АСОСИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИ

Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида биринчи ўқишда маъқулланган ва умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бугунги кунда жамиятимиз учун зарур ҳуқуқий меъёрлардан бири ҳисобланади. Мазкур лойиҳани таҳлил қилиш жараёнида қуйидагиларга тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг 4-моддаси иккинчи бандида "Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни вояга етган ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар эгадирлар" деб белгилаб қўйилган. Маълумки, мамлакатимизда умумэътироф этилган меъёрларга асосан ёшга нисбатан ҳам сайлов цензи киритилган. Мазкур цензга асосан сайловда иштирок этиш учун фуқаро сайлов куни 18 ёшга тўлган бўлиши керак. Демак, қонун лойиҳасига "маҳаллий даражада ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган фуқаро эгадир" деган меъёр киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар, хусусан, Германия, Бельгия каби давлатларнинг маҳаллий ўзини бошқариш тизимида "маҳаллий аҳоли ва фуқаро" тушунчаларига алоҳида юридик талқин берилган. Масалан, Германиянинг "Баден-Вюртемберг жамоалари тўғрисида"ги Низомнинг учинчи бўлимига "ҳудудда маҳаллий аҳоли ва фуқаролар истиқомат қилади", деган меъёр киритилган. Мамлакатимизда эса ўзини ўзи бошқариш тизимида "маҳаллий аҳоли" ибораси деярли истеъфода этилмайди. Шу ўринда қуйидаги муаммолар юзага келади: Гарчи маҳаллаларда истиқомат қиладиган, аммо Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлмаган шахслар бир неча йил мобайнида мамлакатимизда яшаса-да, улар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида ҳеч қандай таъсир кучига эга эмасми? Ўзини ўзи бошқариш тизимида фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки истиқомат учун гувоҳномага эга шахсларни маҳаллий аҳоли деб ҳисоблаб бўладимми?

Бу саволларга жавоб беришдан олдин жаҳон тажрибасида бу масала қандай ҳал этилганига эътибор қаратиш лозим. Масалан, Перу давлатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар муниципалитетларга бўладиган сайловларда мамлакат фуқаролари сингари барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга фақат бир шарт асосида эга бўлади, яъни улар испан тилида ўқишни ва ёзишни билиши лозим. Шунингдек, муайян муниципалитетда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда истиқомат қилиши керак.

Фикримизча, **"Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасининг мазкур 4-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш ҳуқуқига сайлов куни 18 ёшга тўлган ҳамда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар, шунингдек, ўзбек тилида ўқишни ва ёзишни биладиган ҳамда ушбу ҳудудда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда доимий яшаган фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки истиқомат гувоҳномасига эга бўлган шахслар эгадир".

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан давлат тилини билиш цензининг маҳаллий сайловларга меъёр тариқасида киритилишининг асосий сабаби маҳаллий аҳоли билан бўладиган муносабатни янада яхшилаш, маҳаллий ҳаётга уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, урф-одатларимизга, тилимизга, анъаналаримизга бўлган ҳурматни мустаҳкамлашдан иборат. Шунингдек, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасининг 6-моддасида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан 2,5 йил муддатга сайланади" деб белгилаб қўйилган. Бу борада жаҳон тажрибасига назар ташласак, Украинада ўзини ўзи бошқариш идораларининг мансабдор шахси, яъни "голова" ҳудудий громада томонидан 4 йил муддатга сайланса, Германияда бургомистр 8 йилга бевосита аҳоли ёки муниципал кенгаш томонидан сайланади.

Перу давлатида эса муниципал кенгаш маслаҳатчилари ва алькальдлар 3 йил муддатга сайланади ва улар ўз номзодларини иккинчи муддатга қўйиш ҳуқуқига эга эмас.

Шундан келиб чиққан ҳолда **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасининг 6-моддасини қуйидаги таҳрирда ўзгартиришни таклиф этамиз: "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) фуқаролар йиғини томонидан 4 йил муддатга, лекин икки муддатдан ортиқ бир лавозимга сайланиши мумкин эмас".

Қонун лойиҳасининг 15-моддасида "Фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар қоида тариқасида олий маълумотга эга бўлиши ва сайлов кунигача тегишли ҳудудда доимий яшаган бўлиши, шунингдек, ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак", деб белгилаб қўйилган.

Шу ўринда табиий савол туғилади: Доимий яшаш мезони деганда нима тушунилади? Ўша ҳудудда туғилиб ўсган бўлиши керакми ёки 5 йил, 2 йил муддатда доимий яшаган бўлиши лозими?

Аксарият хорижий мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, сайловларда саводхонлик цензи киритилганининг гувоҳи бўламиз. Бироқ олий маълумот цензини қатъий равишда киритилган меъёр учрамайди. Шунга биноан оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари мансабдор шахс ҳисобланиши боис уларга нисбатан ҳам ёш цензи белгиланиши лозим, деган таклифни билдирмоқчимиз.

Шу ўринда яна бир савол пайдо бўлади: Ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қандай мезонлар билан ўлчанади?

Бундай савол қўйилишидан мақсад – қонун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатдир. Шунинг учун ундаги барча меъёрларни баён қилишда аниқ юридик атамалардан фойдаланиш зарур. Шундан келиб чиқиб, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасининг 15-моддасини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим деб ҳисоблаймиз: "Фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайлов кунигача тегишли ҳудудда 5 йил муддатда доимий яшаган, 45 ёшга тўлган шахслар ўз номзодларини тавсия этишлари мумкин".

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолиятида асосий йўналиш бўйича комиссиялар алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ бу борада хотин-қизлар ишлари бўйича ва яраштириш комиссияларининг айнан қандай ваколатларни амалга оширишларини аниқ чегаралаш қийин. Вазирлар Маҳкамасининг 180-сонли қарорининг 3-иловасига асосан қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида"ги Низомда яраштириш комиссияларининг вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари батафсил ёритиб берилган. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирда аксарият маҳаллаларда хотин-қизлар ишлари бўйича ва яраштириш комиссияларининг иш фаолиятини хотин-қизлар ишлари бўйича шуғулланувчи комиссиялар раислари олиб бормоқда. Шу боис хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг ваколатлари қаерда тугаб, яраштириш комиссияларининг вазифалари қаерда бошланишини билиш ниҳоятда мушкул. Бу эса ушбу масалалар юзасидан ягона комиссия тузиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонун лойиҳасини чуқур таҳлил этиш ҳамда такомиллаштириш давлат ҳокимияти учун энг қулай бошқарув тизимини яратиш имкониятини беради. Шу маънода баён этилган таклифлар келгусида амалий аҳамият касб этса, ажаб эмас.

Гулчеҳра МАЛИКОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси

Tashvishli hol

Мактаб моҳият-эътибори билан келажакка хизмат қиладиган муқаддас даргоҳ. Чунки унда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод таълим-тарбия олади. Ана шуни ҳисобга олган қуйинчак ота-оналардан бир гуруҳи таҳририятга Булоқбоши туманидаги Найман қишлоғидаги 27-ўрта мактабнинг моддий-техника базаси ачинарли аҳволда эканлиги ҳақида шикоят хати билан мурожаат этишган эди.

ЎҚУВЧИЛАР АРМОНИ

Мазкур шикоят хатига асосан мактаб ҳаёти билан танишиш чоғида унинг ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Нега деганда, мактаб анча йил муқаддам қурилган ва бугунги кунда жиддий таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Мактаб биносининг бир қисми авария ҳолатида бўлгани учун мутасадди идоралар томонидан беркитиб қўйилибди.

Лекин шунга қарамай 1075 нафар бола 37 та синфда тўлиқ икки сменада сабоқ олмоқда. Синф хоналарининг 16 тасида полнинг ўрнига бетон, асфальт ётқизилган. Улар ҳам кўчиб бир аҳвол бўлиб ётибди. Синф хоналарининг ўзи қоронғу, бунинг устига январ, феврал ойларида эрталаб 9 дан кечкурун 17 тага электр қуввати берилмаяпти.

Яна шуниси қизиқки, мактабнинг асосий биноси остонасидан кўча ўтган. Бу серқатнов кўчанинг хавфсизлиги таъминланмаган, шовқинни айтмаса ҳам бўлади. Спорт заллари умуман йўқ. Турли кечалар, тадбирлар ўтказадиган зал, ошхона, ўқувчиларга бир умрлик армон бўлиб қолмоқда.

— Мен мана шу мактабда ўқиганман, ундан сўнг институтда тугатиб, йигирма уч йилдан бери шу мактабда ишлаб келаман, — дейди ўқитувчи Жамилахон Маматисаева, — Шунча йиллар давомида аҳвол бир хил, ўша-ўша аҳвол ўзгармайди. Биномиз эскириб, хароби чиқиб кетяпти. Кенг, ёруғ синф хоналари бор мактабларга ҳавасимиз келади. Таълим ишларимиз ёмон эмас. Ҳатто мактабимизда Францияга бориб малака ошириб келган ўқитувчилар бор. Лекин мактаб биноси замон талабларидан орқада қолиб кетган.

Дарҳақиқат, мактабга ташриф буюрган киши унинг XXI аср мактаби эканига ишонмайди. Ахир, бошқа мактабларда кенг, ёруғ синф хоналарида компьютерлар ўрганилаётган бир шароитда сувоқлар кўчиб, полнинг ўрнига бетон, асфальт босилган ўйдимчуқур хоналарда, алмисоқдан қолган парталарда, дарс тинглаш ўқувчиларга алам қилади-да...

Булоқбоши тумани ҳокимияти, туман ва вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари **"Таълим тўғрисида"**ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларга имзо чекишаётганда мана шундай мактабларни бир айланиб кўришса, ёмон бўлмасди. Ахир, қонунлар бажариш учун қабул қилинадику?!

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ajab savdolar

ДАЛА САВДОСИ — ЧИҚДИ ҒАВҒОСИ

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

I. ЭКИНГА АРМОН ЎҒИТ

Ҳеч кимга сир эмас — ернинг дармони ўғит саналади. Шу туфайли экин ҳосилдор бўлади. Бироқ ўғитнинг далага етиб бормай, экин унга етишолмай, армон бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунинг учун ўғитга мутасадди бўлган шахсларда қинғирлик, олғирликка мойиллик "хислат"лари барқ уриб турган бўлса, бас. Мана бир далил. Ўтган йили Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида аввалги йилга нисбатан минерал ўғит иқтисод қилиниб, 5770 тонна кам ишлатилди. Энг ёмони, олинган ўғитнинг 980 тоннаси пахта ва ғалла экин майдонларига етиб бормади.

"Қишлоқхўжаликкимё" ташкилотининг Ховос тумани бўлими омборчиси У.Етмишев ўғитни гум қилиш бўйича энг устаси фаранг бўлиб чиқди. У ўйламай-нетмай 30,3 миллион сўмлик минерал ўғитни талон-тарож қилди. Албатта, ундан зарар ундириб олинди, лекин ўғит эмас. Шу боис, унинг "олғирлигига" ер "чапак чалиб" қолаверди.

Шароф Рашидов туманидаги кимё омбори агроном-энтимологи Э.Фофуров кўзини чирт юмди-да, 1,1 миллион сўмлик "гранстар" заҳарли химикатини сотиб юборибди. "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Мирзаобод туманидаги 2-шаҳобчаси омборчиси Ф.Ҳошимов бу борада ҳаммасидан катта "рекорд" қўйди. У 2,6 миллион сўмлик "хлорад магний"ни «Оқ олтин» ширкат хўжалиги ҳисобига чиқим қилган, лекин ўғитнинг ўзи йўқ.

Умуман айтганда, минерал ўғитлардан қандай фойдаланилаётгани бўйича вилоятдаги прокуратура идоралари 27 марта текшириш ўтказиб, тегишли идораларга 12 марта тақдимнома киритди, 79 шахс расман огоҳлантирилди, 47 та маъмурий, 29 та интизомий, 28 та жиноят ишлари қўзғатилди.

ЁНИЛҒИ "СУВ БЎЛДИ"

Вилоят қишлоқ хўжалиги ўтган йилда 2002 йилга нисбатан 14120 тонна дизел ёнилғисини кам ишлатган. Аммо бу тежамкорлик жойларда талон-тарож тариқасида давом эттирилгани ғоятда ажабланарлидир. Яъни бу ёнилғининг ҳам 571 тоннаси даладаги техникаларга етиб бормаган. Шу боис 91,2 миллион сўм зарар бу талон-тарожликка бош қўшган кимсалардан ундириб олинди.

Ховос туманидаги "Туркистон" ширкат хўжалиги раиси А.Тойлоқов омборчи И.Ҳусанов билан тил бириктириб, 6,6 миллион сўмлик 68 тонна ёнилғини гумдон қилган. Сўнг раис бу билан қаноатланмасдан, ёнилғи тарқатувчи Б.Бойзоқов билан 11,6 миллион сўмлик 120 тонна ёнилғини ҳам сотиб юборган. Хуллас, улар ёнилғи сотишдан 18,2 миллион сўм "соф фойда" олишган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Menda taklif bor

"ТЕГИШЛИ МУДДАТ БЕЛГИЛАНСА..."

Мамлакатимизда қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни амалга киритиш "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 26-моддасига асосан турли қонунлар Олий Мажлис ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса, расман эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши лозим. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш унинг матни билан ҳеч бир монеликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин. Масалан, мамлакатимизда Солиқ кодекси 1997 йилнинг 24 мартида қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга киритилган. Бироқ бу амалиётда қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни кучга киритилиши билан боғлиқ муаммолар йўқ дегани эмас.

Буни таъкидлашдан мақсад шуки, амалиётда айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни амалиётга қўллайдиган соҳа вакилларига улар билан тўлиқ танишиб чиқиши учун муайян муддат бериш зарурати бор. Бу заруратни солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартиришлар мисолида кўриб чиқиш мумкин. Солиқ кодексининг 3-моддасига мувофиқ солиқ солиш – бу ҳаракат содир этилган пайтда муомалада бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Солиқ қонунчилиги иқтисодий қонунчилик ҳужжатлари ичида энг кўп қўлланиладиган ҳужжат ҳисобланади. Шунингдек, қонунчиликда ушбу кодекс талабларининг бузилиши молиявий жарималарни қўллашга асос бўлади. Шу сабабли ушбу кодексга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матбуотда эълон қилингандан сўнг камида 1 ой муддат ўтгач, кучга киритилса, деган таклифни билдирмоқчиман. Айниқса, янги солиқ тури ёки имтиёзнинг жорий этилиши ёки бекор қилиниши каби масалаларни ҳал этишда ушбу муддатнинг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Чунки бу ҳол тадбиркорлар ва давлат солиқ идоралари ходимларининг киритилган ўзгартириш ҳамда қўшимчаларни пухта ўрганишига имкон бериши баробарида ушбу меъёрни амалиётга қўллаш жараёнида уни турлича талқин этишнинг олдини олади.

Қолаверса, бундай муддатнинг белгиланиши қонун меъёрини билмаслик натижасида нотўғри қўлланиладиган турли молиявий жарималарнинг камайишига сабаб бўлади.

Муддат белгилаш масаласини нафақат солиқ қонунчилиги, балки бошқа қонун ҳужжатларига ҳам татбиқ этиш зарур. Зеро, қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш муаммоларни ҳал этиш ва муваффақиятга эришишнинг энг муҳим кафолатидир.

Бахтиёр АМИНОВ,
ҳуқуқшунос



Табиат мўъжизаси

Jahon tajribasi

АҚШ: ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ

Албатта, жиноятчиликка қарши курашда жиноятчига одилона жазо тайинлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса жиноий жазоларни ижро этиш муассаларининг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Мазкур тизим дунё мамлакатларида турлича шаклланган. Қуйида бу борада АҚШда тўпланган тажриба билан танишасиз.

1870 йилда қабул қилинган жазони ижро этиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни ўзида мужассам этган "Тамойиллар Декларацияси"га биноан жазони ижро этиш миллий муассасаларининг асосий мақсади жиноятчидан қилган жинояти учун ўч олиш мақсадида унга жисмоний ёки маънавий мусибат етказиш эмас, балки уни ахлоқий жиҳатдан қайта тарбиялашдир.

АҚШ федерал давлат бўлгани боис жазони ижро этиш муассасалари ҳам федерал ва штат муассасаларига бўлинади ҳамда федерал, штат ва штат таркибидаги маҳаллий ҳокимият идоралари жазони ижро этиш муассасалари учун зарур бўлган маблағнинг 95 фоизини қоплайди. Одатда, кичик қамоқхоналар маҳаллий ҳокимиятлар идоралари томонидан бошқарилади. Шартли ҳукм этилганлар ҳамда синов муддатини ўтаётганлар алоҳида муассасаларга жойлаштирилади ва улар бевосита суд ҳокимияти томонидан назорат қилинади. Шунингдек, АҚШ да вояга етмаганларнинг жазони ижро этиш муассасалари бошқа муассасалардан ажратилган ва алоҳида тартибга эга.

Жазони ижро этиш муассасаларининг федерал тизими оғиридан енгилига қараб 6 босқичга бўлинади. Федерал муассасаларда асосан мансабдорлик билан боғлиқ жиноятни содир этганлар ҳамда гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан қонунга хилоф равишда шуғулланганлар сақланади. Федерал Суднинг маъмурий идораси қошида синов муддатини белгиловчи алоҳида бўлим ташкил этилган бўлиб, бу бўлимда федерал суд томонидан тайинланадиган махсус зобитлар одил судлов учун ҳукмдан шартли равишда муддатидан илгари озод қилиниши мумкин бўлган маҳбуслар тўғрисида маълумотларни тўплайди, текширади ва судга тақдим этади.

Штатларда эса жазони ижро этиш муассасалари ижро ҳокимиятига бирикитилган Марказий Департамент томонидан бошқарилади. Мазкур Департамент муайян ваколат доирасига эга бўлиб, умумий ваколатлар Марказий Департамент ва маҳаллий ҳокимият идораси ўртасида тақсимланади. Кўпгина штатларда шартли ҳукм қилишдаги синов муддати суд томонидан ҳал этилади ва муниципал идоралар томонидан назорат қилинади. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш эса шартли ҳукмни тайинлашдан фарқли равишда муниципал идоралар томонидан ҳал этилади. Муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ҳал этувчи идора штат ёки муниципал идора ҳисобланади. Улар жазони ижро этиш муассасаларига буйсунмайди. Марказий Департамент ва муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни ҳал этувчи штат ёки муниципал идоралар шартли ҳукм ёки муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни асосан жиноятчиларни жамиятга қайтариш ҳамда уларни қайта тарбиялаб жамиятга топшириш мақсадида қўллайди. Шу усул билан жиноятчиликнинг олдини олишга эришишга ҳаракат қилинади.

Штатларда озодликдан маҳрум этилганлар жазони ўтайдиган муассасалар уч турга бўлинган:

1. Ўта қаттиқ тартибли колониялар – бундай жойларда тартиб ўта қаттиқ бўлиб, улар худди қалъага ўхшаб қурилади ва атрофи баланд тош деворлар ҳамда миноралар билан ўралади. Мазкур деворлар жиноятчиларнинг қочиб кетмаслиги учун қурилган. Бу ерда маҳбуслар мажбурий меҳнат қилади ва деярли барча имтиёзлардан маҳрум этилади.

2. Ўртача тартибли колониялар – буларнинг кўриниши ҳам ўта қаттиқ тартибли колонияларга ўхшаса-да, тартиб енгилроқ бўлади. Бу ерда маҳбусларга бир қанча имтиёзлар берилади – улар қариндош-уруғлар билан кўришиши, хат ёзиши, радио эшитиши ва телевизор кўриши мумкин. Бу ердаги тартиб асосан маҳбусларнинг шахс сифатида қайта тарбиялаш, қайта тиклашга (реабилитация) қаратилган.

3. Енгил тартибли колониялар – бу каби муассасаларда асосан ижтимоий хавфлилиги кам бўлган ва мансабдорлик жиноятларини содир этганлар сақланади. Енгил тартибли колонияларда маҳбуслар эркин ҳаёт кечириши, радио эшитиши ва телевизор кўриши, ўзлари хоҳлаган кийимни танлаб кийишлари мумкин. Шунингдек, улар мажбурий меҳнатга жалб этилмайди ва таълим олиш учун имкониятларга эга бўлмайди.

АҚШда маҳбусларнинг фақат олти фоизини аёллар ташкил этади. Америкада ҳам дунёнинг барча мамлакатларидаги каби маҳбус аёлларга алоҳида тартиб белгиланган. Аёллар одатда шартли ҳукм қилинади ёхуд шартли равишда муддатидан илгари озод этилади. Улар жамиятдан ва оиладан ажратилмаган ҳолда жазоланади. Америкада ҳар бир штатда фақат битта жазо муассасаси аёл маҳбусларни қаттиқ тартибда жазолашга мўлжалланган.

АҚШда жазоларни ижро этувчи хусусий муассасалар ҳам мавжуд. Жазони ижро этувчи хусусий муассаса дастлаб 1975 йилда Пенсилвания штатида очилган. Бу муассаса вояга етмаганларга мўлжалланган эди. Ҳозирда Америкада барча турдаги хусусий жазо муассасалари шаклланган бўлиб, бу иш хусусий тадбиркорлик ҳисобланади. Бу тадбиркорликни Америка Жазони Ижро Этиш Муассасалари Корпорацияси (Corrections Corporations of America) мувофиқлаштиради. Корпорация мазкур тижорат орқасидан йилига 250 миллион АҚШ доллари атрофида даромад кўради. Хусусий жазо институтларининг ташкил этилишида уларнинг камхаржлиги ва самаралироқ хизматига асосий эътибор қаратилган бўлса-да, уларда ҳам муаммолар йўқ эмас. Буни давлат ва хусусий жазони ижро этиш муассасалари ўртасида ўзига хос рақобатда кўриш мумкин.

Саломат НИЁЗОВА

Jinoyat va jazo

ЮК

ёхуд ҳаётга енгил назар билан қарашнинг оғир асоратлари хусусида

Ёшлик фақат ўйин-кулгудан иборат эмас. Афсуски, ҳаётда баъзи ёшлар умрнинг бу бебаҳо палласини ўзларининг ножўя хатти-ҳаракатлари, қўпол қилмишлари билан елга совураётган ҳоллар ҳам учраб туради. Бундай ёшлар умр ва ёшликнинг мазмун-моҳиятини ҳар хил кайф-сафо-ю тўй-ҳашамлардаги бақириқ-чақириқларда деб билишади. Ҳаётга бундай енгил назар билан қараш оқибатлари бир кунмас-бир кун инсонни жиноят кўчасига бошламаслигига ким ҳам кафолат бера олади?..

...Қизлар базми авжида. Мусиқа садолари қулоқни қоматга келтиради. Ширакайф йигитлару хуморкўз қизлар турли мақомларда ўйинга тушишяпти.

Жасур (баъзи истиҳолалар билан исмлар ўзгартириб бериляпти) шовқин-суронга кўмилган даврани ораларкан, бирдан кўзи Зуҳрага тушди. Ароқ таъсирида ўзини шер билган йигит ур-сур қилиб, қизга яқинлашди. Илгаридан иноқ эмасми, билагидан тутиб, четга тортди. Зуҳра унсиз эргашди.

...Баҳор охирлаб қолган. Майин еллар юзни силаб ўтади. Аммо Жасурга бунинг фарқи йўқ. Унинг мақсад-муддаоси битта — қизни авраш. Шу иддаода оғзи тинмай кўпираркан, Зуҳрани қишлоқ врачлик амбулаторияси орқасидаги буғдойзорга етакладди. Яшил майсазор устига чўкдилар. Жасур унга уйланишини, катта тўй бериб, бахтли турмуш кечиришларини айтди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Dakki

ШИША ОПЕРАЦИЯСИ

У қинғирлик туфайли барбод бўлди

Термиз шаҳридаги "Собир-НКТ" кичик корхонасининг таъсисичси бўлмиш Шаҳло Мирзаёрова омборда қалашиб ётган бўш шиша уюмига ҳар сафар кўзи тушганда, "шу ўлик молнинг харидори чиқса, бериб юборардим, омбор ҳам сал тартибга тушиб қоларди", деган фикр хаёлидан ўтарди. Дарвоқе, бўш шиша идишлари жуда кўп. Шаҳло опа ана шундай ўй-хаёл билан юрган кунларнинг бирида Термиз шаҳридаги "Термизшароб" савдо корхонасида бўш шиша идишлари харид қилинаётганини эшитиб, дарҳол корхона раҳбари Э.Султонов ҳузурига йўл олди. Тадбиркорнинг фикрини эшитган корхона раҳбари Э.Султонов дарҳол рози бўлди:

— Қабул қиламиз-у, фақат ҳозир ҳисоб рақамимизда маблағ йўқ. Агар рози бўлсангиз, бўш шиша идишлар эвазига ароқ маҳсулоти берамиз...

Оз эмас, кўп эмас, 23 минг 500 дона бўш шиша идишларнинг савдоси оёғи тагидан чиқиб қолганидан хурсанд бўлган Шаҳло опа бошлиқнинг қўйган шартларига дарров кўна қолди:

— Майли, ўрнига ароқ берсангиз ҳам бўлади, — деди у.

Шиша савдоси битганидан енгил тортган Шаҳло опа ўша куннинг ўзидаёқ машина кира қилиб, 23 минг 500 дона бўш шишаларни корхона омбор мудири Камол Қиличевга бирма-бир санаб топширди.

— Энди ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, ҳисоб варақасини тўлдириб, олдибердини расмийлаштирсак, — дея таклиф қилди у.

Омборчи Камол Қиличев эса тадбиркорнинг гапини эшитиб, шундай деди:

— Опажон, мен бирон ёққа қочиб кетаётганим йўқ. Сиз ҳам мен қатори Термиз шаҳрида яшайсиз. Корхонани кўриб турибсиз, жуда кенг ҳовлиси, қатор-қатор омборхоналари бор. Уни кўтариб бирон ёққа қочиб кетиб бўлмайди. Қолаверса, бошлиғимиз кўрсатмасига асосан сизга «23 минг 500 дона бўш шиша идишларни қабул қилиб олдим», дея ўз қўлим билан тилхат ёзиб бераман. У ёғидан хавотир олманг.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ajab savdolar

ДАЛА САВДОСИ — ЧИҚДИ ҒАВҒОСИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Сайхунобод туманидаги "Робот" ширкат хўжалиги ёнилғи тарқатувчиси К.Исакбоев худди сехргардек 15,9 миллион сўмлик 193,8 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини бир «суф» билан "сув" қилиб юборганига нима дейсиз?!.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вилоятда ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланишнинг аҳволи юзасидан ўтган йилда 65 марта текшириш ўтказишди. Натижада бошқарув идораларига 39 тақдимнома киритилди. 120 шахс огоҳлантирилди, 77 интизомий, 24 маъмурий, 6 моддий ва 41 жиноят иш қўзғатилди, судларга 72,8 миллион сўмлик 84 даъво аризалари киритилди.

ЕРНИ СОТГАН ЭР БЎЛМАЙДИ

Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романида Мирзакаримбой Йўлчига қараб, ерни сотган эр бўлмайди, эр ерни сотмайди, деган маънода бир фикр айтади. Бу ибора ҳозирги вокеага тўғри келадими-йўқми — билмадигу, лекин ерга ғайритабиий муносабатни кўрганда, ўша машҳур ибора ёдга тушади.

Шароф Рашидов туманидаги "Қўшчинор" муқобил МТП раҳбари А.Бердимуродов 4 гектар экин майдонини намангалик О.Қосимовга, яна 4 гектарни зоминлик Э.Бердаққовга 1600 минг сўмга сотиб юборди. Пулни талон-тарож қилди.

Агар вилоятда ер эгалари жами 1698 гектар майдонга бошқа экинлар экиб юборишганини айтсак, ҳатто сиз ҳам Мирзакаримбойнинг иборасини уларга нисбатан ишлатишга истиҳола қилиб қолсангиз, ажаб эмас. Бироқ улар истиҳола қилишмаган.

Контрактация шартномаси шартларини бузиб, умуман чигит экмаганлардан бири Гулистон туманидаги "Садо" фермер хўжалиги раиси Х.Жоникулов бўлади. У 10 гектар ердан 27 тонна пахта сотаман, деб шартнома тузган. Аммо чигит экмасдан, пахта учун берилган 3273 минг сўмни олиб бошқа мақсадга ишлатиб юборган. Боз устига, пахта экилмаганини яшириш учун Қизилобод пахта қабул қилиш пунктига 10232 кило хомашё топширилгани тўғрисида иккита сохта қабул варақаларини тўлдириб олган ва уларни кўрсатиб, бошқалар кўзини бўямоқчи бўлган.

Вилоятда ердан фойдаланишнинг аҳволи бўйича 39 текшириш ўтказилиб, ноқонуний қабул қилинган 14 қарор протест билан бекор қилинди. Қонун бузилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 63 тақдимнома киритилди. 375 нафар шахс огоҳлантирилди, судларга 10 даъво аризаси киритилди, 7 жиноят ишлари қўзғатилиб, 610 нафар ҳуқуқбузар шахсларга жарима солинди.

ХУЛОСА

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонунлар, Президентимиз фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг ижроси доимо назоратда турибди. Ҳар бир жабҳада қонун устуворлигини таъминлаш чоралари кўриб борилмоқда. Сирдарё вилоятида биргина прокуратура текширишлари натижасида 771 шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида расман огоҳлантирилгани, 337 интизомий, 34 моддий, 748 маъмурий жазо чоралари кўрилгани ва 72 жиноят ишлари қўзғатилгани бунинг исботидир. Жойлардаги идоралар, маҳаллий ҳокимиятларнинг мутасадди раҳбарлари ушбу муаммо тўғрисида чуқур мулоҳаза қилиб кўришлари зарур. Яна қадимдан қолган нақл борки, эгрини гўр тузатади. Қинғирлик ва алдоқчилик ҳам шундай бир бетаъсир одатларки, уларни оғзаки тарбия йўли билан тўғрилаб бўлмайди. Шу боис қишлоқ хўжалигидаги юзага келаётган аҳвол талон-тарожликлар ва сохтакорликларга қарши қонуний таъсир чораларини ҳам кучайтириш шартлигини талаб этмоқда.

Мурод ЭШНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Dakki

ШИША ОПЕРАЦИЯСИ

У қинғирлик туфайли барбод бўлди

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шиша идишларнинг ҳақига 2 миллион 702 минг 500 сўмлик ароқ оласиз.

— Майли, тилхатни ёзинг, — дея рози бўлди Шаҳло опа.

Шундан сўнг омбор мудири Камол Қиличев қўйидаги мазмунда тилхат ёзди: "Мен, "Термиз-шароб" базасининг омбор мудири К.Қиличев Мирзаёрова Шаҳлодан 20 сентябр 2002 йилда йигирма минг беш юз дона шиша идишни қабул қилиб олдим ва раис Э.Султонов топшириғи билан фирмаларга кирим қилдим".

Шундай қилиб, биргина тилхат билан 2 миллион 702 минг 500 сўмлик бўш шиша идишлари савдоси ўз якунини топди. Лекин маҳсулотни ўз қўли билан топширган Шаҳло опанинг ташвиши минг марта ошди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, тадбиркор ҳақини талаб қилганича яна бошлиқ Э.Султонов ҳузурига кирди.

— Опажон, шошилманг, маҳсулотингиз ўрнига ароқ берамиз деб ваъда қилганман. Уни албатта, бажарамиз. Ҳозир корхонани комиссия босган, уларни жўнатайлик, кейин сиз билан ҳисобкитоб қиламиз, — дея корхона раҳбари қуруқ ваъда билан изига қайтариб юборди.

Ҳадемай орадан бир ой ўтиб кетди. Шаҳло Мирзаёрова энди тез-тез "Термиз-шароб" корхонасида пайдо бўлар ва ҳар гал корхона раҳбаридан "комиссия келди, бугун Тошкентга кетаяпман, келгандан сўнг оласиз", деган ваъдани эшитар эди. Аммо ваъданинг чек-чегараси кўринмасди. Аслида эса Шаҳло Мирзаёрова корхона раҳбарлари томонидан қўйилган алдов тузоғига тушиб қолганини сезмаган эди.

Орадан етти ой ўтди. Тадбиркор Шаҳло Мирзаёрова "Термизшароб" корхонасига бўзчининг мокисидек қатнаб юрган бир пайтда корхона раҳбари унинг ҳисобига ёзилган қалбаки ҳужжат билан 163.440 сўмлик ароқ маҳсулотларини номаълум шахсларга бериб юборилгани тўғрисида расмий ҳужжат билан чиқим қилинганлигидан хабар топиб қолди. Етти ой ўз маҳсулотининг ҳақини ололмай сарсон бўлиб юрган бир пайтда унинг ҳисобидан кимлардир ўлганинг устига тепган қилиб, 163 минг 440 сўмлик ароқ маҳсулотини ҳисоб варақасини орқали чиқим қилиб юборилгани тадбиркорни қаттиқ ранжитди. У билдики, корхонада ғирром ўйин авж олган...

Ноилож қолган Шаҳло Мирзаёров вилоят адлия бошқармасига ўз маҳсулотининг ҳақини ундириб бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Адлия ходимлари ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиққач, тўпланган барча ҳужжатларни вилоят прокуратурасига йўллаб, айбдорларга нисбатан жиноий иш қўзғаш ва тадбиркорнинг маблағини ундириб беришда амалий ёрдам сўраб расмий алоқа хати юборди.

Вилоят прокуратура олиб борган текширувлардан сўнг бу корхонада талон-тарожлик илдиз отгани аниқланди. Омбор мудири К.Қиличев ва корхона раҳбари Э.Султонов ўзаро жиноий тил бириктириб, мансаб сохтакорлиги йўли билан қалбаки ҳужжатлар асосида жуда кўп миқдорда талон-тарожликка йўл қўйган. Масалан, 2002 йил июн ойида Термиз шаҳридаги "Салтанатбону" хусусий фирмаси номидан 220-сонли юк хатига кўра 1 миллион 499 минг 905 сўмлик 14.647 дона бўш шишани, Термиз туманидаги "Шўрчи СИЧК" хусусий фирма номидан 227-сонли қалбаки юк хати орқали 550 минг сўмлик 5.272 дона бўш шиша ва Музработ-тайёрловсавдо" корхонаси номидан 228-сонли юк хати билан 619 минг 975 сўмлик 4.965 дона бўш шишаларни аслида йўқ маҳсулотни «қабул қилинди», дея жами 2 миллион 569 минг 895 сўмлик 24.884 дона бўш шиша идишлари сохта равишда ҳужжатлаштириб қўйишган. Аслида тадбиркор Шаҳло Мирзаёрова ана шу корхонага топширган 23 минг 500 дона бўш шиша идишлари "Термиз-шароб" омборхонасига кирим қилинмасдан, қалбаки ҳужжатлар билан биз юқори таъкидлаган фирмаларга чиқим қилиб юборилган ва бу билан корхонада бўш шиша идишлари камомадини ёпиш назарда тутилган.

"Шиша операцияси"даги қинғир ишлар жиноий ишлар бўйича Термиз шаҳар судида ўз якунини топди. Суд ҳукмига кўра айбдорларга қонуний жазо тайинланди. Айбдор Камол Қиличевдан тадбиркор Ш.Мирзаёрова фойдасига 2 миллион 703 минг 500 сўм ундириладиган бўлди. Корхонанинг бошқа мансабдор шахсларига нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилди.

Собир КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун"
мухбири

Giyohvandlik asr vabosi

ҚАЛТИС ҚАДАМ

Раткан Қодирова Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, Учтерак туманида туғилган. Айни пайтда шу туманнинг «Қизил Ўзгариш» овулида яшайди. Оилали. Уч нафар фарзанднинг онаси. Яқинда у қора қилмишига қўл урриб, мамлакатимиз Жиноят Кодексининг 246-моддаси, 2-қисми ҳамда 273-моддасининг 5-қисми билан қонуний жазога тортилди.

Раткан Қодированинг бу хатти-ҳаракати нафақат унинг ўзини, балки яна икки нафар кишини суднинг қора курсисига етаклаб келди. Суднинг ҳукмига кўра, улар ҳам қилмишларига яраша жазо олишди.

Хўш, Раткан Қодирова аёл боши билан қандай жиноятга қўл урди?

— Абдусалом Қодиров билан шариат никоҳи асосида оила қурган эдик, — дейди у суд мажлисида, — у апрел ойида наркотик моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, қамалиб қолди. Шундан сўнг ўзим пул топишни ўйлай бошладим.

Хуллас, Раткан Қодирова пул топишнинг қалтис йўлини танлайди. У турмуш ўртоғининг изидан боради. Қирғизистондан Ўзбекистонга "гашиш" гиёҳванд моддасини олиб келиш, сотиш ва тезроқ мўмай пул топиш режасини тузади. Албатта, бу қабиҳ иш унинг бир ўзи қўлидан келмайди. Шунинг учун ишончли кишилар топишга киришади. Ана шундай "ишончли ҳамкор"лардан бири Янгиқўрғон туманининг Калишо қишлоғида яшовчи Сирожиддин Қозиев эди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега Раткан Қодирова Сирожиддин Қозиевни ўзига шерик қилиб танлади?

— 2003 йилнинг март ойларида қариндошимиз Абдусалом Қодиров уйимизга келиб, — дейди суд мажлисида Сирожиддин Қозиев, — Қирғизистон Республикасидан иккинчи хотинга уйланганини айтди. Шундан сўнг у иккинчи хотини Раткани биз билан таништирди. Аммо орадан бир ойча вақт ўтиб Абдусалом аканинг ўзи Қўқонда гиёҳвандлик моддалар сотиш билан шуғуллангани учун қўлга тушиб, қамалди.

Хуллас, бу қабиҳ ишнинг оқибати қандай тугашини хаёлига келтирмаган Сирожиддин янгаси Ратканнинг ҳамтовоғига айланади. Улар дастлабки қабиҳ ишларини ўтган йилнинг июл ойи амалга оширишади. Ўшанда Раткан Қодирова Жалолобод вилояти, Новкент тумани, Караван қишлоғидаги божхона назорати масканнинг имкони бўлмаган Буки исмли шахсдан 16 дона тўртбурчак шаклида қотирилган оғирлиги 266,1 грамм "гашиш" гиёҳванд моддасини 80 минг сўмга сотиб олади. Бурунгича нисбатан анча кўп миқдордаги бу заҳри қотилни божхона масканларидан олиб ўтишнинг ўзи бўлмайди. Шу боис Раткан Қодирова гиёҳванд моддаларини чегарагача олиб келади ва ҳеч кимнинг назарига тушмайдиган овлоқ жойга — тупроқ остига кўмиб қўяди. Сўнгра у Калишо қишлоғига келиб, Сирожиддинга бу ҳақда хабар беради. Улар биргаликда дала йўллари орқали гиёҳванд модда яшириб қўйилган жойга боришади. Иккала ҳамтовоқ 266,1 грамм гиёҳванд моддасини Қирғизистоннинг Ринжит қишлоғи орқали мамлакатимиз ҳудудига олиб киришади.

— Ҳаммасини бирданига шаҳарга олиб бориб сотиш хавфли, — дейди Сирожиддин — аввалига саккиз донасини пуллаймиз, кейин қолганини...

Шундан сўнг икки ҳамтовоқ 137,1 грамм "гашиш" гиёҳванд моддасини Наманган шаҳрига олиб келади-да, А.Жабборов бошқарувидаги "Дамас" автомашинасида "Гўзал" даҳасига боришади. Улар заҳри қотилни 200 минг сўмга сотмоқчи бўлишади. Бироқ савдо пишмай қолади. Тегишли идора ходимлари томонидан сотувчи ва харидор қўлга олинади.

– 23 август куни кечки пайт қайнонам бизнинг уйга келдилар, – дейди суд мажлисида Сирожиддиннинг хотини Гулчеҳра Пўлатова. – У киши турмуш ўртоғимнинг қамалиб қолганини айтди. Бу нохуш хабардан ўзларининг тоблари қочиб, ётиб қолди. Мен қайнонамга иссиқ овқат қилиб бердим. "Сиз уйга бориб, уйдагиларни тинчлантириб келинг, – деди қайнонам, – мендан хавотир олишмасин. Кейин катта уйга кириб, кўрпа тахлами орасида яшириб қўйилган "гашиш" гиёҳванд моддасини бу ерга олиб келинг". Мен қайнонамнинг айтганларини бажардим. Орадан уч кун ўтиб, турмуш ўртоғим уйга кириб келди. У киши мендан гиёҳванд моддасини сўради. Мен унга гиёҳванд моддасини кўрмадим, деб айтдим. Иккимиз жанжаллашиб турган пайтимизда дадам келиб қолди. Дадам барчасидан хабардор бўлди. Кейин орадан кўп ўтмай тегишли идора ходимлари уйимизга келишди. Мен ихтиёрий равишда гиёҳванд моддасини уларнинг қўлига топширдим.

Албатта, мазкур жиноятга қўл урганлар қонуний жазога тортилди. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, нафс қутқусига учган бу кимсаларнинг қора қилмиши ўнлаб кишиларнинг ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин. Чунки улар тарқатган оғуга гиёнфтор бўлганлар, ҳеч шубҳасиз, ўз умрини, оиласи, фарзандлари умрини хазон қилади.

Қаранг, бир кимсанинг нопок қилмиши ҳаётда қанчалик ёмон асорат қолдиради.

Хулоса шуки, бундай қабоҳатга қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар биримизнинг масъулиятли бурчимиздир. Бунинг устига қаерда эътиборсизлик, лоқайдлик юзага келса, ўша жойда қабоҳат авж олади.

Шу маънода ҳаётни, бир-биримизнинг умримизни асраш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Зуҳриддин ИБРОҲИМОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Nuqtai nazar

Ривоятларда айтилишича, ер юзида энг биринчи жиноят Одам Атонинг ўғли Қобил томонидан содир этилган. Ў бир қизнинг устида талашиб қолиб, укаси Ҳобилнинг умрига зомин бўлган.

ЖИНОЯТ НИМА? ЖИНОЯТЧИ КИМ?

Шундан буён орадан кўп асрлар ўтди. Бироқ ҳалиҳануз одамзот боласи жиноят нима, нима учун одамлар нега жиноятга қўл уради, деган саволлар жавоб излаб келади. Қизиқ томони шундаки, маълум макон ва замонда жиноят, яъни ўта ёмон гуноҳ ҳисобланган хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик вақтлар ўтиши, замонлар кечиши билан одатий ҳол тарзида қабул қилиниши ёки аксинча, кунда-кунора содир бўлиб турган, оддий, одатий ҳол ҳисобланган ишлар вақтлар ўтиши, замонлар кечиши билан оғир жиноятлар сирасига киритилиши мумкин. Мисол учун ибтидоий одамлар ҳаётини тасаввур қилиб кўринг. Икки қабила ўртасида бўлиб ўтган урушларда ҳалок бўлганларни бошқа қабила одамлари гулханда тоблаб, маза қилиб ейишган. "Робинзон Крузо" фильмида бу ҳол жуда ёрқин тасвирланган. Ҳозирги кунда одамнинг умрига зомин бўлган шахслар қотил сифатида ўлим жазосига ёки ҳеч бўлмаганда, умрбод ёхуд узоқ муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Бундан инсоният жамияти ривожланиб, давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгандан кейин жамият манфаатларига зид ишларни содир этган шахслар жиноятчи деб топилиб, қонунларга биноан жазога тортила бошлаган, деб хулоса қилиш мумкин. Аммо ер юзидаги барча давлатлар, халқлар бир хил тараққиёт даражасида эмас. Албатта, бугун илғор Европа мамлакатларида яшаётган халқлар билан, айтайлик, Африка ўрмонларида ҳануз ярим ибтидоий шароитда яшаётган миллатларни таққослаб бўлмайди. Содир этган маълум бир хатти-ҳаракати учун шахс тараққий этган мамлакатда жиноий жазога тортилса, айтайлик, ўша Африка ўрмонида яшайдиган шахс худди ўша хатти-ҳаракатни содир этмаганлиги учун жиноятчи деб топилмасада, ҳар қалай ҳуқуқбузар деб ҳисобланиши ва маълум танбеҳ-дашномларга гирифтор этилиши мумкин. Бундай дейишимга бир асос бор. Яқинда телевидение орқали бир кўрсатув намойиш этилди. Унда ўрмонда яшовчи бир миллат ҳақида сўз юритилди. Қабила аъзолари қиплянғоч юришади. Дарахтзорда қўлида найза тутган бир йигит бир аёлга тўқнаш келиб қолди, атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Аммо йигит аёлга эътибор бермай, орқага қайрилиб кетди. Бир мунча вақтдан кейин бояги аёл қабиланинг кексароқ бир аъзоси ёнига келиб, алланималар деб шанғиллади. Суҳандоннинг айтишича, аёл бошлиққа "фалончи йигит дарахтзорда ёлғиз ўзимга дуч келди-ю, аммо эътиборсиз ўтиб кетди", деб арз қилган экан. Қария бояги йигитни топтириб, анча танбеҳ-дашном берди ва ҳатто қўлидаги таёғи билан унинг гарданига бир неча марта туширди. Энди тараққий этган Европа мамлакатларидан бири бўлмиш Германия ҳуқуқини олиб кўрайлик. Бу ерда бир ёки икки фарзанд онаси бўлмиш хотин "кеча тун пайти эрим менинг хоҳишимга зид ўлароқ мен билан яқинлик қилди" деб ўз эри устидан судга арз қилиши, суд эса эрни хотиннинг ҳуқуқини поймол қилишда айблаб, жарима жазосига тортиш мумкин экан. Шариат нуқтаи назаридан олиб қарасак, таъқиқланган, ман этилган ҳаракатларни содир этиш жиноят ҳисобланади. Демак, жиноятни маълум бир давлатда амалда бўлган қонунларга зид хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб таърифлашимиз мумкин. Ўша хатти-ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни содир этишда айбдор бўлган шахс эса жиноятчидир.

Мозийда яшаб, ижод қилган Афлотун рашк, ғазаб, қўролмаслик, ҳасад ва роҳат-фароғатга интилиб яшашни жиноят мотивлари деб таърифлайди. У жиноятнинг қандай ҳолатларда содир этилишига, жиноятчиликнинг олдини олиш кераклигига, жазо эса айнан жиноят содир этган шахсга тайинланиши лозимлигига эътибор қаратган. Арасту эса муайян бир давлатдаги тартибсизликлар, ўғирланган мулкни яшириш осонлиги, камбағаллик, очкўзлик, бойликка ҳирс қўйиш жиноят содир этилишига имкон яратади, деб ҳисоблаган.

Кўриниб турганидек, жиноят омиллари турли-туман бўлса-да, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларининг бузилиши асосий сабаб ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида инсон шаъни, қадр-қиммати ва ҳуқуқларининг дахлсиз эканидан далолатдир.

Адҳам ОДИНАЕВ

Jinoyat va jazo

ЮК

ёхуд ҳаётга енгил назар билан қарашнинг оғир асоратлари хусусида

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шу оқшом қиз бечора ширин ваъдаларга кўмилиб кетди...

Шу тарзда кунлар, ойлар ўта борди. Лекин негадир Жасур тўйдан оғиз очмасди. Зуҳра эса минг бир изтироб алангасида ёнади. Шундай кунларнинг бирида ҳамқишлоқлари Жамшид уйланди. Иккавлон тўйхона ҳатлаб, хилватга ўтишаркан, Зуҳра илтижо қилиб, йиғлади. Жасур эртага шом чоғи яна келишга сўз берди.

Худо шоҳид, Зуҳра эртасига шом қоронғулиги атрофни эгаллаган маҳалда, Жасур билан бир йўла қочишга шайланиб чиқди. Ҳа, мана, Жасур ҳам алдамабди: келди. Одатдаги салом-аликдан сўнг Зуҳра муддаога кўчди.

— Жасур, — деди илтимос оҳангида, — бўлди. Мени олиб кет. Ахир, ваъда бергансан.

— Бўпти дедим-ку, — дея жавоб қилди Жасур. — Нега бунча ҳовлиқасан? Йиғим-терим тугасин, тўй қиламиз.

— Йиғим-териминг қачон тугайди? — дея нолинди Зуҳра. — Опкетасан, Йўқса, милицияга арз қиламан.

Жасурнинг ғаши келди.

— Ўҳў, — деди салмоқлаб, — ҳали милицияга шикоят қиладиган бўлиб қолдингми?

— Ҳа, — жиддий тортди Зуҳра. — Опкетмасанг, ундан нарига ҳам айтаман. Мени зўрлади, энди қочиб юрибди, дейман.

Жасур бирдан тутақиб кетди:

— Эй манжалақи! Сени зўрладимми, а? Ўзинг рози бўлмовдингми?..

— Йигит эмас экансан! «Пуф» сендайларга! – шундай деб Зуҳра орқа томонга ўгирилди.

Ўгирилди, аммо кучли қўллар уни яна ўзига қаратди.

— Нима дединг? — дея ўшқирди Жасур.

Зуҳра жаҳлдан тушмади.

— Нима деган бўлсам, шу. Гап битта, қулоқ иккита.

Зуҳра у ёғини билмайди. Жасур қизнинг ўнг юзига қулочкашлаб тортиб юборди. Чап кўкрагига зарб билан мушт туширди. Кутилмаган зарбадан Зуҳра орқага тисарилиб кетди. "Воҳ!..." деганча гурсиллаб йиқилди. Овозсиз, ҳаракатсиз ётиб қолди.

— Зуҳра! Зуҳра!

Жасур жон ҳолатда қизни силтай бошлади. Зуҳра овоз бермади. Бир аҳволга тушиб қолган Жасур Зуҳрани ўлди, деб гумон қилиб, елкасига олди. "Қипчоқарно" каналига қадар шу алфозда келдида, чалажон вужудни сувга отиб юборди. Пастдан "шалоб" этган овоз чиқди ва асов тўлқинлар қизни ўз домига тортиб кетди.

Жасур ўзи қўл урган бу қабиҳлик ҳақида ҳеч кимга миқ этмади. Аммо барибир эртасига бутун қишлоқни «шов-шув» босди. Саросимага тушган Жасур жиноят изларини яшириш пайига тушди. Унинг онаси билан синглиси яқин қўшнилари бўлган Гулзоданикига йўл олди. Жасур "Эсмеральда" сериалини кўпинча шу хонадонда томоша қиларди. Гарчи Жасур ўша машъум воқеа рўй берган оқшом уларникига ҳеч босмаган бўлса-да, Гулзода Жасурни "бизнинг уйда фильм томоша қилди" деб ёзиб берди. Яна бир қўшниси ҳисобланмиш Мадёрдан ҳам шундай илтимос қилишди. Бироқ Мадёр сохта кўрсатмалар беришдан диёнатни, қонун йўлини устун қўйди.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Жасурнинг онаси ва синглисини қалбаки ҳужжатлар тузиб, ғайриқонуний йўл тутишга, устига-устак, ўзгаларни ҳам бу йўлга жалб этишга нима мажбур қилди? Эҳтимол, бу ҳолатни оналик, жигаргўшалик меҳри билан изоҳлаш мумкиндир. Лекин ҳар ҳолда мана шу меҳр аввал бошдан тўғри йўлга қаратилганида, оилада фарзанд тарбиясига эътибор бир қадар кучайтирилганида, юқорида зикр этилган жиноий қилмиш юз бермаган бўларми-ди?..

Азалий бир ҳикмат бор: ҳаётга енгилтаклик назари билан қараш елкага оғир юк бўлиб тушади. Мана шундай тор дунёқараш туфайли навниҳол бир қиз ҳаётдан кўз юмди. Юз берган мусибат ота-она ва яқинлари елкасига ғам-андуҳ юкини ортиб кетди. Мудҳиш фожеа сабабли эндигина йигирма икки баҳорни қаршилаётган Жасур Матжонов суднинг қора курсисига ўтирди. Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Битта қалтис қадам йигит яғринига маломат юкини юклади. Энди бу зил-замбил юкларни елкадан ағдариб ташлаш ҳеч кимга осон кечмайди.

Шукуржон РАЖАБОВА,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирлиги жамоаси вазирлик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Файзулла Пардаевга отаси

АБДУЛЛА ҳожи отанинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Санобар Ҳакимовага отаси

НАРЗУЛЛА отанинг

вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50